В.ЎРИНОВ
М.СУЛТОНОВ
А.УМАРОВ

ТДИУ
1931 90 2021
йилда

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ECTS КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ:

## АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ҚОИДАЛАР

В.ЎРИНОВ,
М.СУЛТОНОВ, А.УМАРОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ECTS КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ:

## АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ҚОИДАЛАР

ТОШКЕНТ – «МАЪНАВИЯТ» – 2020

УЎК 336.77(575.1)
КБК 65.261.4
Ў 80

Ў 80 **Ўринов, В. Султонов, М., Умаров, А.**
Ўзбекистон Республикаси олий таълим ташкилотларида ECTS кредит-модуль тизими: асосий тушунча ва қоидалар [Матн] / В.Ўринов, М.Султонов, А.Умаров. – Т.: «Маънавият», 2020. – 96 бет.

ISBN 978-9943-04-404-3

**МУАЛЛИФЛАР:**

***Воҳид Ўринов (PhD)*** *– Нью Брансвик Университети, Ҳуқуқ факультети (Канада);*

***Мансур Султонов (PhD)*** *– Тошкент давлат иқтисодиёт университети;*

***Азизжон Умаров*** *– Қўқон университети.*

**МАСЪУЛ МУҲАРРИР:**

***Қ.А.Шарипов*** *– техника фанлари доктори, профессор.*

**ТАҚРИЗЧИЛАР:**

***Эшов М.П.*** *– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор;*

***Мустафақулов Ш.И.*** *– иқтисодиёт фанлари доктори, профессор.*

«ЭЛ-ЮРТ УМИДИ» ЖАМҒАРМАСИ, РЕСПУБЛИКА ОЛИЙ ТАЪЛИМ КЕНГАШИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲАМКОРЛИГИДА ТАЙЁРЛАНГАН.

ISBN 978-9943-04-404-3

© «Маънавият», 2020

## МУНДАРИЖА

Сўз боши ..... 7

**1. Таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима? ..... 10**
a) Кредит таълимнинг ўлчов бирлиги ..... 10
b) Кредит-модуль тизимида ўқиш юкламаси ..... 11
c) Кредит-модуль тизимида ўқиш натижалари ..... 13
d) Кредит-модуль тизимида аудитория ва мустақил соатлар ..... 14
e) Кредит ва модуль тушунчалари таърифи ..... 17

**2. Кредит-модуль тизими қандай тамойиллар асосида қурилган? ..... 18**
a) Талабага йўналтирилган таълимни ташкил этиш ..... 18
b) Таълимда шаффофликка эришиш ..... 21
c) Таълимда мослашувчанликни кучайтириш ..... 22
d) Талабалар мобиллигини кучайтириш ..... 23

**3. Кредит-модуль тизими қандай эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган? ..... 23**
a) Кредит-модуль тизимининг илк тарихи ..... 23
b) Кредит-модуль тизимининг яқин тарихи – ECTS ..... 26
c) Кредит-модуль тизими тарихидан сабоқлар ..... 29

**4. Кредит-модуль тизими мамлакат олий таълим тизимига нималарни беради? ..... 29**
a) ОТТларда талабалар ўқиш юкламасининг мувозанатли тақсимоти ..... 30
b) ОТТ ўқув дастурларига танлов фанлари кириб келиши ..... 31
c) ОТТлар ўқув дастурларида фанларнинг сараланиши ..... 33
d) ОТТ ўқув дастурларига шаффофлик олиб кириш ..... 36
e) ОТТларда ўқув машғулотларни шаффоф тарзда ташкил этиш ..... 38

**5. Кредит-модуль тизимида ўқув дастурлари қандай яратилади? ..... 39**
a) Ўқув дастури профили ва ўқиш натижаларини ишлаб чиқиш ..... 39
b) Кредитларни модуллар бўйича тақсимлаш қоидалари ..... 42

# МУНДАРИЖА


c) Танлов фанлари ..... 46
d) Прогрессия қоидалари ..... 51
e) Фан дастури ..... 53
f) Маълумотларни талабаларга етказиш ..... 56
g) Академик маслаҳатчи ..... 59

**6. Кредит-модуль тизимида талабалар қандай баҳоланади? ..... 60**
a) Баҳолаш бўйича асосий қоидалар ..... 60
2009 йилгача бўлган даврдаги баҳолаш тизими қоидалари ..... 62
Амалдаги (2009 йилдан кейинги) баҳолаш тизими қоидалари ..... 65
Баҳолар конвертацияси ..... 68
b) Баҳоларнинг ўртача қиймати (GPA) ва уни ҳисоблаш ..... 71
c) Талабаларни баҳолаш бўйича дастлабки тавсиялар ..... 75

**7. Кредит-модуль тизимида имтиҳонлар ..... 76**
a) Талаба семестр ёки ўқув йилида етарли кредитларни тўплай олмаганлиги ..... 76
b) Талаба бир фанни бир мартадан ортиқ олиши ..... 79
c) Имтиҳонлар бўйича қўшимча қоидалар ..... 79
d) Имтиҳон ўтказиш тартиблари ..... 80

**8. Кредит-модуль тизимида талабаларга хизмат кўрсатиш – «Registrar office» ..... 80**

**9. Кредит-модуль тизимига ўтишга тааллуқли айрим масалалар ..... 86**
d) Кредит-модуль тизимида ОТТлар академик эркинлиги ..... 86
e) Кредит-модуль тизимида профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ..... 89

**10. Хулоса ..... 90**

**11. Тавсиялар ..... 91**

**12. Фойдаланилган адабиётлар ..... 94**




*Ушбу қўлланмани Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани, Ўрта қишлоқда яшовчи онамиз Мавсумахон Комилова ва отамиз Валижон Комиловга бағишлаймиз.*

*Бу инсонлар бутун умрлари давомида бирлари мактабгача тарбия муассасаси ходими, иккинчилари эса мактаб ўқитувчиси ва кейинчалик ошпаз сифатида фаолият юритиб, биз фарзандларига ҳар доим бошқа инсонларга ёрдам қилишни ўргатиб келишган.*

*Шунинг учун, агар ушбу қўлланманинг сизга бироз бўлса-да фойдаси тегса, шу инсонлар ҳаққига бир дуо қилиб қўйишларингизнинг ўзи кифоя. Агар қўлланма ва ундаги фикрлар сизга маъқул бўлмаса, унда ўзимизни кечириб қўяверасиз.*


*Ва ниҳоят, ушбу қўлланманинг юзага келишига бевосита ҳисса қўшган Ўзбекистон Республикаси Олий Таълим Кенгаши раиси профессор Ўктам Умурзаков, «Эл-юрт умиди» жамғармаси ижрочи директори профессор Адҳам Бекмурадов, Тошкент Давлат Иқтисодиёт Университети ректори, профессор Конгратбой Шарипов ва ватандошимиз Аробиддин Тўрага ўз миннатдорчилигимизни билдириб қоламиз. Аслида уларнинг берган гоя ва қўллаб-қувватлашларисиз биз бу қўлланмани ёзмаган, сиз эса уни ўқимаётган бўлар эдингиз.*

## СЎЗ БОШИ

Буюк аллома, башарият фарзанди Жалолиддин Румий: «Минг йил ўқисаму, мендан «нимани билдинг», деб сўрасалар, «ҳаддимни билдим» дейман деган экан.

Шундай экан ҳозирги авлод ўқиб ўрганиши, билмаганларини сўраб, билганларини эса, келажак авлодга етказиши учун масъул ҳисобланади. Доно халқимиз топиб айтганидек, «илм ўрганиш бамисоли игна билан қудуқ қазиш каби машаққатлидир». Ушбу машаққатларни сабр билан ва тинмай меҳнат қилиш билан енгган инсон камолатга эришади. Машҳур ихтирочи Томас Эдисон «Даҳолик – бу бир фоиз иқтидор ва тўқсон тўққиз фоиз тер тўкишдир» деган эди.

Дарҳақиқат бугун барча зиёли ўқитувчилар зиммаларига юкланган шарафли вазифани юқори илмий-интеллектуал даражада адо этишлари, талаба-ёшларнинг қалбидан, онгу-шууридан жой олган ҳолда профессионал даражада ўқув машғулотларини олиб боришлари талаб этилади. Бунинг учун халқаро даражада тан олинган усул ва воситалардан ҳам хабардор бўлишлари, илғор тажрибалардан максимал даражада ўз меҳнат фаолиятларида фойдаланишлари мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Келинг, ушбу ўринда юқорида таъкидланган илғор тажрибаларни қай даражада билишимизни аниқлаш учун бир қанча саволларга жавоб излаб кўрайлик.

Талаба олий таълим ташкилотига (ОТТ) ўқишга кирганидан сўнг у ерда айнан қайси фанларни ўрганишни қисман бўлса-да ўзи танлаши мумкинлигини ҳеч тасаввур қилганмисиз? Ёки ҳар бир ўқитувчи семестр бошида талабаларга ўз фани бўйича ёзма

дастур «syllabus» тақдим этиб, унда ушбу фан нималар ҳақида эканлиги, унинг талабанинг мутахассис бўлиб шаклланишидаги аҳамияти, семестр давомида ўрганиладиган мавзулар рўйхати, талабалар фойдаланадиган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақида батафсил тушунтириб, шундан кейингина дарслари бошлашини-чи?

Ниҳоят, ОТТларда бакалавр ёки магистратура дастури бўйича каталоглар (китобчалар) ишлаб чиқиши ва унда шаффоф тарзда талабалар ўқишлари давомида қайси фанларни ўрганиши мумкинлиги, ушбу фанларни кимлар ўқитиши, дастур давомида қандай билим, кўникма ва маҳоратларга эга бўлиши ҳақида батафсил маълумот бериб, шундан сўнг ўқув йили бошлашини-чи? Бу хусусиятлар Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимига ҳам астасекинлик билан кириб келмоқда ва бу тизимнинг номи таълимнинг «кредит-модуль» тизими деб аталади.

Ўзбекистон Республикаси Президентнинг 2019 йил 8 октябрдаги фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси»га кўра мамлакатдаги ОТТларнинг 85 фоизи 2030 йилгача босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтиши режалаштирилган.[1] Бу яқин йиллар давомида мамлакатдаги деярли барча ОТТлар кредит-модуль тизимида фаолият юрита бошлашидан дарак беради.

Масалан, келаётган 2020–2021 ўқув йилининг ўзида мамлакатдаги 33 дан ортиқ йирик ОТТлар кредит-модуль тизимига ўтиши кутилмоқда.[2] Мазкур ОТТ ларда асосан ECTS кредит-модуль тизимининг жорий этилиши кўзда тутилган.[3] Янги тизим даставвал

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси», 1-иловаси, 9-банди.

[2] Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғи, 1-иловаси.

[3] 2015 European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS) User's Guide, a Joint Project by the European Higher Education Area, the Bologna Process and European Commission in 2015. Европа кредитларни кўчириш ва жамғариб бориш тизими бўйича фойдаланувчига қўлланма (ECTS).





1-курс, кейинчалик барча курслар ўқув дастурларида жорий этилиши режалаштирилган.

Хўш, таълимнинг кредит-модуль тизими ўзи нима? У қандай ишлайди? Кредит-модуль тизими қандай шароит ва эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган? Ушбу тизим бизга нималарни беради? Унинг амалдаги таълимни бошқариш тизимидан афзалликлари нима? Кредит-модуль тизимида ўқув дастурлари қандай яратилади? Кредит-модуль тизимига ўқиш учун яна қандай ишларни амалга ошириш керак? Қуйида ушбу саволларга қисқача жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Яна шуни таъкидлаш керакки, бу материал кредит-модуль тизими бўйича туғиладиган барча саволларингизга жавоб бермаслиги мумкин, лекин унда асосий концептуал саволларга жавоб топишингиз мумкин. Қолган саволлар жавобини эса кейинги таҳлилий материалларимизга қолдирамиз.

Ушбу қўлланма қисман бўлса-да, 2020 йил 12 июль куни «Элюрт умиди» жамғармаси ва Республика Олий Таълим Кенгаши билан ҳамкорликда амалга оширилган видеотақдимот тафсилотлари ва қўшимча изланишларга асосланган ҳолда тайёрланган. Видеотақдимотни қуйидаги youtube саҳифаси орқали кўришингиз мумкин: https://www.youtube.com/watch?v=2Ps84uPFxbA

Қўлланманинг айрим қисмлари kun.uz саҳифасида мақола сифатида ҳам чоп этилган. Мақола билан қуйидаги интернет саҳифаси орқали танишишингиз мумкин: https://kun.uz/news/2020/07/22/oliy-talimda-kredit-modul-kelayotgan-oquv-yilida-talabalarni-nimalar-kutmoqda.

# 1. ТАЪЛИМНИНГ КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ЎЗИ НИМА?

## А) КРЕДИТ ТАЪЛИМНИНГ ЎЛЧОВ БИРЛИГИ

Маълумки, ҳаётда кўп нарсаларнинг ўлчов бирлиги мавжуд. Масалан, вақт ўлчов бирлиги – секунд, узунлик ўлчови – метр, оғирлик– кило, суюқлик – литр, электр кучланиш ўлчови – ампер. Шунда бир савол туғилади: таълимнинг, хусусан олий таълимнинг ҳам ўлчов бирлиги борми? Айтишингиз мумкин, ҳа олий таълимнинг ўлчов бирликлари бу бакалавр, магистратура ва докторантура деб. Лекин булар таълимнинг ўлчов бирликлари эмас, балки унинг босқичлари ҳисобланади. Афсуски, ҳозирда мамлакатимизда олий таълимнинг талабалар прогрессини, уларнинг мутахассис сифатида шаклланишини мунтазам равишда баҳолаб борувчи ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлиги мавжуд эмас.

Кредит-модуль тизими, аввало, мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг амалдагидан кўра анча мукаммал, замонавий, лекин ҳамма учун тушунарли бўлган ўлчов бирлигини олиб киради. Унга кўра, ОТТ ўқув дастурлари муайян ўқиш натижаларини кўзловчи турли фан ва модулларга бўлинади. Ҳар бир фан ёки модуль эса ундаги ўқиш юкламаси миқдорига қараб муайян миқдордаги кредитларда акс этади. Масалан, ҳар бир фан ўртача 5, 6 ёки 7.5 кредитларда акс этиши мумкин. Талаба эса ҳар семестр, ўқув йилида муайян миқдорда кредитлар тўплаб бориши ва тегишли миқдордаги кредитларни тўплагандан сўнг унга бакалавр ёки магистратура даражаси берилиши белгиланади.








ECTS кредит-модуль тизимида бир йиллик кредитлар миқдори 60 тани ташкил этади. Бир ўқув йили 2 семестрдан иборат эканлигини ҳисобга олсак, талаба ўқиши давомида ҳар семестрда 30 кредит тўплаб бориши зарур. Бакалавр дастури одатда 4 йил эканлигини ҳисобга олсак, талаба ушбу даражани қўлга киритиш учун жами 240 кредит, магистратура дастурини тугаллаш учун эса 120 кредит тўплаши керак.

Кредитлар шунчаки рақамлар эмас. Ҳар бир кредит талаба бажариши керак бўлган маълум миқдордаги ўқиш юкламасини ва талаба бунинг натижасида муайян ўқиш натижаларига эришганлигини билдиради. Яъни, ECTS кредит-модуль тизими таркиби икки зарур элементдан иборат:

а) ўқиш юкламалари ва б) ўқиш натижалари. Талаба шу элементларни бажаргандагина ўша фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиши мумкин.

## В) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚИШ ЮКЛАМАСИ

ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит ўртача 25–30 академик соатлик ўқиш юкламасига тенг. Яъни талаба муайян фандан тегишли кредитларни қўлга киритиши учун маълум миқдордаги




ўқиш юкламасини («learning workloads») бажариши зарур. ***Ўқиш юкламаси бу талаба муайян ўқиш натижаларига эришишга қаратилган барча тизимли ўқиш машқлари ва ҳаракатларини бажариш учун зарур вақтдир.***

Бу дегани юқорида 1 кредит учун белгиланган 25–30 соатлик ўқиш юкламаси бу талаба фанни ўрганиш учун сарфлаши кўзда тутилаётган жами ўқиш ҳаракатлар жамланмасидир. Унга нафақат дарс вақти, балки талабанинг фанни ўрганиш учун уйда ва кутубхонада сарфлаган вақти, имтиҳонлар вақти, қўйингки, талаба ушбу фанни ўзлаштириш учун барча тизимли ҳаракатлари вақтини қамраб олади. 1 кредит ўқиш юкламаси 25–30 соат оралиғида айнан неча соат бўлишини одатда ҳар бир ОТТ ўзининг ички қоидаларида белгилайди ва бу қоидалар ОТТ веб саҳифасида шаффоф тарзда жойлаштирилади.

Агар фан 6 кредитли фан бўлса, талаба ушбу фан бўйича белгиланган миқдордаги кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 150–180 соатлик ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади (25*6=150; 30*6=180). Шундай экан кредит-модуль тизимини жорий этган ОТТларда талабалар ҳар бир фан учун белгиланган кредитлар миқдорига қараб туриб, ўқишлари ҳали бошланмасиданоқ ҳар бир фанни ўқиш ва ўрганишга қанча вақт сарфлашлари кераклиги ҳақида тушунчага эга бўлишлари мумкин. Бу ҳам таълимда шаффофликнинг бир кўринишидир. Амалдаги олий таълим тизимида эса талабалар одатда бундай маълумотга эга бўлмайди.





### С) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚИШ НАТИЖАЛАРИ

ECTS кредит-модуль тизимида талаба фанлар ва модуллар бўйича кредитларни қўлга киритиши учун ўқиш юкламаларини бажаришнинг ўзи кифоя қилмайди. У тегишли миқдордаги ўқиш юкламаларини бажаргандан сўнг улар асосида муайян ўқиш натижаларини ҳам кўрсата олиши зарур. ***Ўқиш натижалари бу талаба ўқув юкламаларини бажариш натижасида ўрганиши, тушуниши ва қила олиши кутилаётган билим ва кўникма жамланмасидир.***




ECTS кредит-модуль тизимида ҳар бир ўқув дастури (бакалавр, магистратура), фан ёки модуль ўзининг ўқиш натижалари олдиндан аниқ белгилаб олиниши ва ушбу ўқиш натижалари рўйхати талабаларга олдиндан тақдим этилиши зарур. Шунда талабалар муайян ўқув дастури ёки ундаги муайян фанни ўрганиш унга мутахассис сифатида нималар бера олиши ҳақида олдиндан тушунчага эга бўлган ҳолда ўқишни бошлайди. Шунда ўқиш натижалари ҳақида олдиндан маълумотга эга бўлган талаба ҳам, ўқитувчи ҳам дастур ёки семестр давомида барча имкониятларини шу натижаларга эришишга қаратади.

Дастур ёки фан ўқиш натижалари қуйидаги асосий саволга жавоб бера олиши керак: ***талаба дастурни ёки ундаги муайян фанни тамомлагандан сўнг унда ўрганган билимлари асосида нималар қила олади ёки қила олиши керак?*** Ушбу саволдан кузатганингиздек, ўқиш натижалари бу талаба дастур ёки ундаги муайян




фан давомида қўлга киритган билимлар рўйхатидан иборат эмас, аксинча, унда талаба ўша билимлар асосида нималар қила олиши кўрсатилиши зарур. ECTS кредит-модуль тизимидаги бу талаб олий таълимга амалий, прагматик ёндашувни шакллантиради.

Ўқиш натижаларини олдиндан белгилаб олишнинг яна бир муҳим жиҳати шундаки у ўқув дастурини мутахассислик учун тааллуқли бўлмаган, аҳамиятсиз фанлар ва модуллардан тозалаб борувчи фильтр вазифасини ҳам ўтайди. Агар фан ва модулда эришилиши кутилаётган ўқиш натижалари талабанинг мутахассис бўлиб етишиши учун аҳамияти бўлмаса ва шунга хизмат қилмаса, ушбу фан ўқув дастурини тарк этишига тўғри келади.

### D) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА АУДИТОРИЯ ВА МУСТАҚИЛ СОАТЛАР

Талаба ва ўқитувчиларда ушбу умумий ўқиш юкламасининг айнан қанча қисми дарс, аудитория соатларига тўғри келади, деган савол туғилиши мумкин. ECTS кредит-модуль қоидалари бу масала бўйича аниқ талаб ёки чегара белгиламаган. Бунга кўп сабабларни келтириш мумкин. Масалан, таълим жараёнлари ёки модуль ҳар





доим ҳам ўз таркибига аудитория соатларини қамраб олавермайди. Бунга мисол қилиб ўқув дастуридаги битирув амалиёти, диплом иши ва шу каби ўқиш элементлари ва модулларни келтиришимиз мумкин. Кўриб турганингиздек, бундай ўқиш элементларида аудитория соатлари бўлмайди.

Лекин ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган университетлар амалиётини таҳлил қилганимизда, уларнинг аксариятида аудитория соатига эга бўлган фан ва модулларда аудитория ва мустақил ўқиш соатлари нисбати ўртача 40 фоизга 60 фоиз эканлигини кузатишимиз мумкин. Бу нисбат бошқача қилиб айтганда 1:1.5 тўғри келади. Яъни, талаба муайян фан бўйича белгиланган ҳар 1 соат дарс учун унга дарсдан ташқарида бир ярим соат мустақил ўқиши, тайёрланиши керак бўлади.




Бунда ОТТ 1 кредит учун 30 соатлик ўқиш юкламаси белгиланган бўлса, ундан 12 соати (30*40%=12) аудитория соатлари, 18 соати (30*60%=18) эса талабанинг мустақил ўқиш соатларига тўғри келади. Ушбу тақсимот асосида 6 кредитлик фан ўқиш юкламасини аниқлайдиган бўлсак, талаба ушбу фан бўйича белгиланган кредитларни қўлга киритиш учун семестр давомида 72 соат ((30*6)*40%=72)) аудитория дарсларини, 108 соат

((30*6)*60%=108)) уйда ва кутубхонада мустақил ўқиш юкламасини бажариши керак бўлади. ECTS кредит-модуль тизимида бир аудитория академик соат 45-60 минутга тенг.

Юқоридаги қоидалардан шуни тушунишимиз мумкинки, ECTS кредит-модуль тизимида талабанинг билим олиш вақти тушунчаси дарс вақти тушунчаси билан чекланиб қолмасдан, талаба ўқиш учун сарфлаган умумий вақт билан ўлчанади. Унда яна билимнинг манбаи фақат ўқитувчи ёки аудитория эмаслигига ишора қилинади. Қисқача айтганда, кредит-модуль тизимида ўқиш вақти тушунчасига ўқитувчи нуқтаи назаридан эмас балки талаба нуқтаи назаридан ёндашилади.

Талаба ўқиш юкламасининг бу тарзда тақсимланиши таълим олиш жараёнида масъулиятни маълум даражада ўз елкасига олиши, фан бўйича дарсда ва дарсдан ташқарида мунтазам равишда ўқиб бориши кераклигини билдиради. Эслатиб ўтамиз, 1 соат аудитория вақти учун талаба 1.5 соат уйда ва кутубхонада ўқиши зарур. Лекин бу жараён кўп жиҳатдан ўқитувчининг масъулиятига ҳам боғлиқ. Чунки талабаларни ўз вақтларидан самарали фойдаланиш учун уларга дарсдан ташқарида ўқиш учун қизиқарли материаллар ва муаммолар бериб бориш ўқитувчининг вазифасидир. Чунки бундай материал ва муаммоларсиз талаба дарсдан ташқарида фан бўйича нимани ўқиши ёки ўрганиши мумкин?

***Шунинг учун кредит-модуль тизимига ўтиш ўқитувчиларнинг иш юкламаларини ҳам қайта кўриб чиқиш, уларнинг иш юкламалари ҳам улар ўқитадиган фан кредитларидан келиб чиққан ҳолда белгиланиши мақсадга мувофиқ.*** Амалдаги тизимда эса ўқитувчилар иш юкламаси фақат аудитория соатларига боғлаб қўйилган. Шунинг учун ҳозирда ўқитувчилар ҳам табиийки, ўз мажбуриятлари фақат аудитория вақти билан боғлиқ, деб ўйлашади. Бу мавзуда қуйида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

***Талабанинг ўқиш юкламасининг бу тарзда аудитория ва мустақил ўқиш соатларига ажратилиши яна ОТТлар кутубхоналарида шароитларни яхшилаш, катта ўқиш залларини ташкил этиш, хорижий тилларда чоп этилган нуфузли***





***соҳавий адабиётларни оммавий тарзда таржима қилиш, яъни сифатли ўқув қўлланмалари кўламини янада кенгайтиришни тақозо этади.***

### Е) КРЕДИТ ВА МОДУЛЬ ТУШУНЧАЛАРИ ТАЪРИФИ

Кредит-модуль тушунчаси икки сўздан иборат: «кредит» ва «модуль».

**Кредит.** Олий таълим соҳасида кредит кўпчиликка банк ва молия соҳаси орқали таниш бўлган қарздорлик ёки молиявий мажбурият тушунчасини англатмайди. Шунинг учун олий таълим соҳасида кредит сўзи кўпинча «академик» сўзи билан бирга ишлатилади.

> **Академик кредит** – *олий таълимнинг муайян босқичида ушбу таълим даражасини қўлга киритиш мақсадида талаба томонидан мунтазам равишда тўплаб бориладиган рамзий ўлчов бирлиги. Бу бирлик талаба маълум миқдордаги ўқиш юкламасини бажарганлиги ва муайян ўқиш натижаларини муваффақиятли тарзда эгаллаганлигини англатади.*

**Модуль.** ECTS тизимида ўқув дастури бир неча модуллардан ташкил топади. Талаба кредитларни фақат модуллар орқали қўлга киритиши мумкин. Хўш, ECTS тизимида модуль нимани англатади?

> **Академик модуль** – *яхлит, муайян ўқув натижаларига эришишга қаратилган, ўзининг баҳолаш мезонларига эга бўлган тизимли, изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмаси. У одатда бир семестр давом этади лекин айрим ҳолларда бир неча соатдан иборат бўлиши ҳам мумкин. ECTS тизимида ҳар бир модуль ўзида муайян миқдордаги кредитларни акс эттиради.*

Юқоридаги таърифга кўра, ўқув дастуридаги ҳар бир фан бу модуль ҳисобланади. Чунки у яхлитликка эга, муайян ўқиш натижаларига эришишга йўналтирилган, ўзининг тизими ва баҳолаш мезонларига эга бўлган изчил ўқиш ва ўрганиш ҳаракатлари жамланмасидир. Лекин модуллар фақат фанларнинг ўзидангина иборат эмас. Юқоридаги таърифга мос келадиган ва тегишли миқдорда кредитларни ўзида акс эттирадиган ҳар қандай тизимли ва изчил ўрганиш ва машғулотлар жамланмасини модуль дейиш мумкин. Бунга ўқув дастурига киритилган амалиёт иши, диплом иши ёки диссертация ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

## 2. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ТАМОЙИЛЛАР АСОСИДА ҚУРИЛГАН?

***ECTS кредит-модуль тизими муайян тамойиллар асосига қурилган. Улар қуйидагилар:***

*1) Талабага йўналтирган таълимни ташкил этиш (student-centered education);*

*2) Таълимда шаффофликка эришиш (transparent education);*

*3) Таълимда мослашувчанликни кучайтириш (improving flexiblity);*

*4) Талабалар мобиллигини кучайтириш (improving student mobility).*

Қуйида ҳар бир тамойил тафсилотларига қисқача тўхталиб ўтамиз.

### А) ТАЛАБАГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН ТАЪЛИМНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

Таълим тизимиларини одатда икки тоифага бўлиш мумкин: ўқитувчига йўналтирилган ва талабага йўналтирилган таълим. Уларни оддий қилиб қуйидагича тасвирлаш мумкин:

Ўқитувчига йўналтирилган таълим тизимида таълимга, ўқув дастурларига, дарс жараёнларига қатъий равишда ОТТ, уни назорат








қилувчи ташкилот ва ўқитувчи хоҳиши нуқтаи назаридан ёндашилади. Бунда талабалар нимани, қанча, қандай усулда ўрганиши кераклиги масалаларини белгилашда меҳнат бозори вакиллари ва талабаларнинг эҳтиёжлари, фикрлари кўп ҳам эътиборга олинмайди. Таълим жараёнини бошқариш ва ташкил этиш анча марказлашган тарзда амалга оширилади.

Бунда яна ўқитувчига билимнинг ягона манбаи сифатида қаралади. Талабалар асосан нофаол тингловчи сифатида шаклланади, чунки таълим жараёнлари уларни фаолликка ундамайди (дарслар асосан маъруза шаклида ташкил этилади). Бундай таълим тизимида талабаларда мустақил фикрлаш, ўз фикрларини ифода этиш, мунозарага киришиш, муаммоларга танқидий ёндашиш, ўзлари учун ўзлари қарор қабул қилиш салоҳиятлари шаклланмайди.

Талабага йўналтирилган таълим бу ўқитувчига йўналтирилган таълимнинг тескариси десак тўғри бўлади. Ушбу тизимда таълимга ОТТ, уни назорат қилувчи ташкилот ёки ўқитувчилар нуқтаи назаридан эмас балки талабалар нуқтаи назаридан ёндашишни талаб этади. ОТТлар, уларни назорат қилувчи ташкилотлар ва ўқитувчилар таълим жараёнларини ташкил этувчиси бўлсаларда, улар асосан мувофиқлаштирувчи вазифасини ўтайдилар, яъни ўқув

дастурлари, ҳусусан талаба нимани, қанча, қандай усулда ўрганиши кераклиги талабаларнинг қизиқишлари, эҳтиёжлари, мутахасислик ва меҳнат бозори талабларини чуқур таҳлил қилган ҳолда, яъни «пастдан тепага» қараб (bottom up) шакллантирилади. Бунда яна ўқитувчига билимнинг ягона манбаи сифатида қаралмайди. Талабалар таълим жараёнларига фаол жалб этилади. Таълим тизими талабаларда мустақил фикрлаш, ўз билимини бошқалар билан улашиш, ўзи учун ўзи қарор қабул қила олиш салоҳиятларини шакллантиришга йўналтирилади.

Талабага йўналтирилган таълим ECTS кредит-модуль тизимининг қуйидаги қоидаларида ўз аксини топган:

- ***Таълим олиш вақти тушунчаси талабанинг дарсда ўтирган вақти билан эмас балки унинг фан бўйича ўқиш ва ўрганишга сарфлаган умумий вақтидан келиб чиқиб белгиланади.*** Бунда талабанинг таълими ўқитувчининг «ўргатиш» учун сарфлаган соатларидан келиб чиқиб эмас балки талабанинг «ўрганиш» учун сарфлаган соатларидан келиб чиқиб ўлчанади. Яъни 1 кредит ўзида 25-30 соат ўқиш юкламасини акс эттирса, у ўз ичига талабанинг фанни ўзлаштириш бўйича у аудитория ва аудиториядан ташқарида сарфлаган умумий вақтини қамраб олади. Таълимга бундай ёндашув маълумот манбалари тобора кенгайиб бораётган интернет замонига ҳам хосдир.
- ***Ўқув дастурлари ва ўқув режалари таълимдан кутилаётган аниқ ўқиш натижалари асосида шакллантирилади.*** Яъни ОТТ ўқув дастурларини ва ўқув режаларини яратиш жараёнида ўз олдига талаба мазкур ўқув дастури сўнгида нималарни билиши, тушуниши ва қила олиши керак деган саволларни қўяди ва ўқув дастурларини шу саволларнинг жавоблари асосида шакллантиради. Ўқиш жараёнлари анча мақсадли ташкил этилади. Бунда ОТТ фаолиятига у талабаларга нималар «ўргатганлиги» га қараб эмас, балки талабалар ундан нималарни «ўрганганлиги»га қараб баҳоланади. Бунда яна ОТТларнинг вазифаси талабаларга нафақат билим бериш,





балки уларда кўникма ва маҳоратлар шакллантириши ҳам белгиланган.

- ***Талабалар фанларни маълум даражада ўзлари танлаш ҳуқуқига эга бўлиш орқали ўзларининг ўқув дастурига эга бўлишади.*** Таълимдаги бу хусусият орқали талабалар ўзлари қизиққан фан ва йўналишларни чуқурроқ ўрганиш, талабалик давридан самарали фойдаланиш, ўз салоҳиятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга ва ўзлари учун ўзлари қарор қабул қилиш имкониятига эга бўладилар.

### В) ТАЪЛИМДА ШАФФОФЛИККА ЭРИШИШ

ECTS кредит-модуль тизими талабаларнинг таълим жараёнларига тааллуқли бўлган барча маълумотларни талабаларга олдиндан, тушунарли, тўлиқ ва шаффоф тарзда етказишни талаб қилади. Бунда ОТТ талабаларга улар бутун ўқишлари давомида қайси фанларни ўзлаштиришлари зарур ёки мумкинлиги, улардан кутилаётган ўқиш натижалари, талабалар қандай усул ва мезонлар асосида имтиҳон қилинишлари ҳақида олдиндан тўлиқ ва шаффоф тарзда маълумот бериши керак бўлади. ОТТлар сонининг кўпайиши, ўқув дастурларига танлов фанларини кириб келиши ҳам таълимда шаффофликка бўлган эҳтиёжни янада кучайтиради. Чунки талаба ўз танлов ҳуқуқини том маънода амалга ошириши учун у дастур ва ундаги фанлар ҳақида етарлича дастлабки маълумотга эга бўлиши керак. Зеро, талаба ўз танлов ҳуқуқини фақат факультет номини ёки фан номинигина билган ҳолда амалга ошира олмайди.

ECTS кредит-модуль тизимида таълим шафоффлигини таъминлаш қуйидаги қоидаларда ўз аксини топади:

- ***Ўқув дастуридаги ҳар бир фанни маълум миқдордаги кредитларда акс эттирилади.*** Яни ҳар бир кредит ўртача 25-30 соат ўқиш юкламасини англатишини ҳисобга олинса, талаба муайян фанга тақсимланган кредитлар миқдорига қараб, ушбу фаннинг ўқиш юкламаси ҳақида дастлабки маълумотга эга бўлади.

- ***Ҳар бир ОТТ ўқув йили бошида ўзининг ўқув дастурлари бўйича дастур каталогини ишлаб чиқиши ва уни талабаларга тақдим этади.*** Дастур каталоги ОТТ веб саҳифасига жойлаштириш ёки бошқа усулда талабаларга тақдим қилиниши мумкин.
- ***Ўқув дастуридаги ҳар бир фан муайян маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда кодланади.*** Ўқув дастурида ҳар бир фан унинг даражаси, бошқа фанлар билан алоқадорлиги, танлов ёки мажбурий фан эканлиги ва шу каби маълумотларни ўзида акс эттирган ҳолда кодланади ва бу кодлар мазмуни ҳақида талабаларга тушунтирилади.
- ***Ўқитувчилар томонидан ўз фанлари бўйича фан дастурларини тайёрланиши ва талабаларга тақдим этилиши.*** ECTS кредит-модуль тизимида ҳар бир ўқитувчи ОТТ ўқув дастурдаги у ўқитиши керак бўлган ҳар бир фани бўйича «фан дастурини» ишлаб чиқади ва уни семестрнинг дастлабки ҳафтасида талабаларга тақдим этади.

### C) ТАЪЛИМДА МОСЛАШУВЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИШ

Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизими ОТТлар ўзларининг ўқув дастурларини ишлаб чиқишда муайян қоидаларга амал қилишни талаб этади. Бу дегани ўқув дастурлари, ўқув режалари ОТТ даражасида тайёрланади. Бу олий таълимни бошқаришнинг марказлашган тизимига қараганда анча самарали, ривожланган давлатларда кенг тарқалган усулларидан биридир. Чунки ОТТлар индивидуал тарзда замон, меҳнат бозори талабларига тезроқ мослашиш, ушбу эҳтиёжларга тезроқ жавоб қайтариш имкониятига эга бўлади. Қолаверса, ОТТлар ўзларининг имкониятларини, афзаллик томонларини, таълим тизимида ўз ўринларига эга бўлиш учун айнан қайси йўналишларга сармоя қилишлари кераклигини ўзлари яхши билишади.





### D) ТАЛАБАЛАР МОБИЛЛИГИНИ КУЧАЙТИРИШ

ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган ОТТлар таълимни ташкил этиш, уни ҳисобини юритиш бўйича стандарт тамойиллар асосида ишлаганлиги, таълим жараёнлари, талабаларни баҳолаш тизимлари шаффофликка асосланганлиги сабабли талабаларнинг бир ОТТда қўлга киритган кредитларини бошқа ОТТда тан олиниши имконияти кенгаяди. Шу туфайли ECTS кредит-модуль тизимига ўтган ва унинг тамойилларига (том маънода) амал қилаётган ОТТларнинг ҳалқаро жозибадорлиги ошади. Уларнинг хорижий ОТТлар билан ҳамкорлик қилиш имкониятлари кенгаяди.

## 3. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ҚАНДАЙ ЭҲТИЁЖЛАР АСОСИДА ПАЙДО БЎЛГАН?

### A) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ИЛК ТАРИХИ

АҚШ кредит-модуль тизими энг биринчилардан жорий этилган кредит-модуль тизими сифатида дунё давлатлари ва шу билан бирга Европа давлатлари олий таълим ташкилотларида кредит-модуль тизими шаклланишига ўз ҳиссасини қўшган. Бошқача айтганда ҳозирда Европа олий таълим ташкилотларида кенг қўлланиб келинаётган ва Ўзбекистон Республикаси маҳаллий ОТТларида жорий этилиши режалаштирилаётган ECTS кредит-модуль тизими ўзагида ҳам АҚШ академик кредит тизими тамойиллари ётади. Шунинг учун АҚШ ва континентал Европа давлатларида кенг тарқалган кредит-модуль тизими тарихи ҳақида бироз мулоҳаза юритсак.

Кредит-модуль тизими илк бор XIX асрнинг иккинчи ярмида АҚШда жорий этилган.[1] Ўша пайтда мамлакат олий таълим ташкилотлари қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида фаолият юритган. Ўқув дастурлари, асосан, ўша давр диний

[1] World Bank «The Academic Credit System in Higher Education: Effectiveness and Relevance in Developing Countries» (July 1992).

фалсафаси билан боғлиқ фанлардан ташкил топган. Деярли барча университетларда лотин тили алоҳида фан сифатида ўқитилган. Аслида бу пайтга келиб лотин тили аллақачон ўлик тилга айланиб бўлган эди. Яъни, амалиётда бу тилда деярли эҳтиёж бўлмаган. Университет ўқув дастурларида бу каби амалиётда аҳамиятини йўқотган фанлар кўлами анчани ташкил қилган. Натижада университетлар мутахассислар тайёрлайдиган даргоҳ эмас, балки ўша даврда аҳолининг ўзига тўқ қатлами шунчаки обрў ва тўкинлик белгиси сифатида таълим оладиган ташкилотга айланиб қолган. Бунинг оқибатида оддий фуқаролар орасида университетларга қизиқиш камая бошлаган.

1869 йилга келиб Гарвард Университетига ўша даврнинг энг илғор фикрловчиларидан бўлган Чарлес Эллиот Президент этиб сайланади. Кўп ўтмай у университетдаги қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурларини бекор қилади. Эндиликда, Гарвард Университетида талабалар ўқув дастурида таклиф қилинадиган фанлар орасидан ўзлари хоҳлаган, қизиққан фанларни танлаб, ўрганиш имкониятига эга бўладилар.[1] Яъни, ҳар бир талаба эндиликда ўзининг университетдаги ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантириш имкониятига эга бўлган эди.[2]

Бу ислоҳот мамлакат ёшлари орасида Гарвард университетига бўлган қизиқишни жонлантириб юборади. Талабалар ўзлари қизиққан фанларни танлаётганликлари учун университет ўқув дастурларидаги фанлар ҳам табиий равишда саралана бошлайди. Лотин тили каби замон талабларига жавоб бермайдиган фанлар талабаларда қизиқиш бўлмаганлиги сабабли дастурни тарк этади ва университет фанлари рўйхатини иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Ўз фанларига талабаларни жалб қилиш мақсадида ўқитувчилар ҳам

[1] Jessica Shedd (2003), «The History of the Student Credit Hour». New Directions for Higher Education. 122 (Summer) (122): 5–12.

[2] «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? 2020 йил 5 август, № 163 (7665).





дарс сифатини яхшилашга ҳаракат қила бошлайди. Акс ҳолда улар ўқитаётган фан ўқув дастуридан чиқариб юборилиши мумкин. Дарсларда талабаларнинг фаоллиги ҳам анча ортади. Чунки талабалар асосан ўзлари хоҳлаган, қизиққан ва танлаган фанларини ўрганаётган эдилар.

Гарвард Университети қатъий ўқув дастурлардан воз кечгандан сўнг, университет олдида бир қанча саволлар туғила бошлайди: хўш эндиликда университетда барча талабалар учун бир хил бўлган қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлар йўқ. Бундай ҳолатда талабаларнинг курсдан-курсга ўтиши ёки битириши қандай мезонлар асосида амалга оширилиши мумкин? Яъни, талабаларнинг ўқиш дастуридаги ривожланишини нималар билан ўлчаш мумкин? Талабалар мутахассис сифатида шаклланиши учун қанча билим эгаллаши керак?

Гарвард Университети бу саволларнинг барчасига жуда оддий ечим топади. Ҳар бир фанга унинг ўқиш юкламасидан келиб чиқиб рамзий ўлчов бирликлари, яъни кредитлар тақсимланади. Яъни, ҳар бир фан муайян миқдордаги кредитларда акс этади ва талаба бир ўқув йили охиригача муайян миқдордаги кредитларни тўплаши кераклиги белгилаб қўйилади. Эндиликда, университет талабаларни ўқув дастурларидаги ривожланишини, муайян таълим даражасига муносиблигини у жамғарган кредитлар сонига қараб аниқлай бошлайди. Бу университет учун ҳам, талабалар учун ҳам қулай, тушуниш осон бўлган тизим эди. Аста-секинлик билан бошқа университетлар ҳам Гарвард Университети амалиётини ўзларида қўллай бошлайди. Қайси университетлар шу амалиётни қўлласа, ёшлар орасида шу университетларга қизиқиш орта бошлайди.

Кредит тизими тамойилларини АҚШ олий таълим ташкилотларида янада кенгроқ тарқалишининг кейинги босқичи 1900 йиллар бошларида рўй берди. 1906 йилда АҚШдаги пўлат саноати магнати, йирик филантроп Эндрю Карнеги олий таълим ташкилотларининг ўқитувчиларини қўллаб-қувватлаш мақсадида Таълимни Ривожлантириш жамғармаси ташкил этади. У жамғармага ўша давр пулида $10 миллион доллар маблағ ажратади. Карнегининг асосий

мақсади ўша пайтларда анча кам ҳақ тўланган ўқитувчиларининг маошларига қўшимча пул қўшиб бериш (salary top-up) орқали уларни қўллаб-қувватлаш ва бу касбга яхши кадрларнинг жалб этилишига ўз ҳиссасини қўшиш эди. Жамғарманинг вазифаси эса пулларни университет ўқитувчиларига адолатли тарзда тақсимлаш эди. Жамғарма бу мақсадга эришишнинг энг мантиқий усулини мавжуд кредит тизими деб топади.

Яъни, жамғарма Карнеги пулларини ўқитувчиларга улар ўқитган фан кредитлари миқдорига қараб тақсимлашга қарор қилади.[1] Бунинг натижасида шу пайтгача кредит тизимини қабул қилмаган университетлар ҳам ўз ўқитувчиларига жамғармадан пул олиш мақсадида ўзларида кредит тизимини жорий эта бошлайди. Шундай қилиб, 1930 йилларга келиб АҚШ олий таълим ташкилотларининг деярли барчаси кредит тизимида фаолият юрита бошлаган эди.

## B) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИНИНГ ЯҚИН ТАРИХИ – ECTS

1976 йилда Европа Иттифоқи давлатлари таълим вазирлари мазкур давлатлар университетлари ўртасида ҳамкорликда ўқиш дастурлари жорий этиш борасида келишувга эришишади.[2] Лекин бу лойиҳани амалга ошириш, лойиҳанинг молиявий ва ҳуқуқий томонларини ишлаб чиқиш учун 10 йилдан кўпроқ вақт керак бўлди. Ва ниҳоят 1987 йилда Европа иттифоқининг Лондон Саммити давомида иттифоқ аъзо мамлакатлари ОТТлари ўртасида талабалар алмашинувини қўллаб-қувватловчи Эрасмус (ERASMUS) дастури ташкил этилади. Бундан кўзланган мақсад Европа иттифоқи давлатлари университетларида ўқиётган талабалар бир йил ёки бир семестр давомида бошқа аъзо давлатлар ҳудудидаги университетларда

[1] Jessica Shedd (2003), «The History of the Student Credit Hour». New Directions for Higher Education. 122 (Summer) (122): 5–12.

[2] Resolution of The Council and of the Ministers of Education, Meeting within the Council, Official Journal of the European Communities, 1976. https://eur-lex.europa.eu/legal-content/EN/TXT/PDF/?uri=CELEX:41976X0219&from=EN





ўзаро алмашлаш бўйича таълим олиш имкониятларини кенгайтириш эди. Европа иттифоқи бундай халқаро талабалар алмашинуви дастурларини қўллаб-қувватлаш ва дастурнинг тизимли ижроси учун катта миқдорда грантлар ажратади. Эрасмус дастури натижаси ўлароқ Европа университетларининг кўпчилиги унда қатнашиш мақсадида ўзларида Эрасмус офисларини оча бошлайди.

Лекин Эрасмус дастури ташкилотчилари тез орада дастур муваффақияти учун бир катта муаммони ҳал этишлари кераклигини тушуниб етишади. Дастур муваффақияти учун энг муҳим шартлардан бири бу талабалар хорижда ўрганган фанлари ўз университетига қайтгандан сўнг тегишли таълим даражасини қўлга киритишлари учун тан олинишига эришиш эди. Лекин амалда аъзо давлатлар университетлари ўқув дастурларини вақт, юклама ва моҳият нуқтаи назаридан қиёслаш механизми мавжуд эмас эди.

Бу муаммонинг ечими сифатида Эрасмус дастури 1989 йилда Америка кредит тизими ва Нидерландия олий таълим тизимига асосланган ҳолда янги кредит-модуль тизими қоидаларини ишлаб чиқади ва уни European Credit Transfer System (ECTS) деб номлайди. Ушбу қоидалар ўзида Европа Иттифоқи давлатлари университетларининг ўқув дастурлари, уларда таклиф этиладиган фанларни қиёслаш ва талабалар алмашлаш дастурлари доирасида хориж университетларида олган фанларини ўз университетларида тан олиниши тамойилларини қамраб олган эди. ECTS кредит-модуль тизими қоидаларини жорий этиш натижасида Европа Иттифоқи давлатлари университетлари ўртасида талабалар алмашинуви ривожлана бошлайди. Дастурда қатнашувчи университетлар ўқув дастурлари халқаро даражада эътирофга эга бўла бошлайди.[1]

1999 йилга келиб Европада Болонья процесси деб аталган Европа мамлакатлари олий таълим вазирликлари ўртасида ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш халқаро форуми иш бошлайди. Фо-

[1] Robert Wagenaar, A History of ECTS, 1989-2019. Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy, 2020.

румнинг мақсади Европа давлатларида олий таълим стандартлари ва сифатини уйғунлаштиришга қаратилган эди. Болонья процессида Европа давлатлари эндиликда ECTSни ўзларининг олий таълим ташкилотларида таълимни ташкил этишнинг асосий усули сифатида тарғиб қилишга келишиб олишади. Бунинг натижасида ECTS эндиликда нафақат талабалар халқаро алмашинуви мақсадида балки, Европа мамлакатлари доирасида университетларда таълимни ташкил қилиш усули сифатида кенг тарқала бошлайди.

Ҳозирда ECTS кредит-модуль тизими Европанинг 48 давлати олий таълим ташкилотлари томонидан турли даражада таълимни бошқариш усули сифатида фойдаланиб келинмоқда. Болонья процесси аъзо давлатлари орасида Россия, Белорусия, Туркия, Азарбайжон, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ҳам тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида қатнашиб келмоқда ва ECTS кредит-модуль тизимини ўзларининг ОТТларида жорий этиш бўйича ҳаракатларни олиб боришмоқда.





### С) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ ТАРИХИДАН САБОҚЛАР

Кредит-модуль тизими юқоридаги тарихи тўғрисидаги маълумотлардан жуда муҳим сабоқлар олиш мумкин. Булардан энг асосийлари сифатида қуйидагиларни келтиришимиз мумкин:

- Кредит-модуль тизими аниқ эҳтиёжлар асосида пайдо бўлган. Энг аввало у олий таълим ўқув дастурларига эркинлик олиб кириш, ўқув дастурларига танлов фанларини кириб келиши билан чамбарчас боғлиқ. Бундан ташқари кредит-модуль тизими олий таълим ўқув дастурларини «юқоридан пастга» қараб эмас, балки «пастдан юқорига қараб» яъни замон, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шаклланториш эҳтиёжлари асосида юзага келган;
- Кредит-модуль тизими қолайверса мамлакат олий таълим ташкилотларини мамлакатдан ташқаридаги университетлар билан алоқаларини яхшилаш, мамлакат университетларини халқаро майдонда эътироф этилишига эришиш эҳтиёжлари асосида шаклланган. ECTS кредит-модуль тизимининг ҳозирги кундаги энг асосий вазифалари бу ОТТ ўқув дастурларига эркинлик, мослашувчанлик, шаффофлик ва талабага йўналтирилган таълимни олиб кириш.

## 4. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ МАМЛАКАТ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА НИМАЛАРНИ БЕРАДИ?

Хўш, кредит-модуль тизими Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимига нималарни беради? Унинг амалдаги таълим тизимидан афзалликлари нима? Энди қуйида кредит-модуль тизими бизга нималарни беради, деган саволга аниқ мисоллар билан жавоб беришга уриниб кўрамиз. Кредит-модуль тизими мамлакатимиз олий таълим тизимига бир неча афзалликларни олиб киради. Улардан асосийлари сифатида қуйидагиларни санаш мумкин.

### А) ОТТЛАРДА ТАЛАБАЛАР ЎҚИШ ЮКЛАМАСИНИНГ МУВОЗАНАТЛИ ТАҚСИМОТИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимида талаба ҳар бир ўқув йили учун тўплаб бориши керак бўлган кредитлар миқдори олдиндан белгилаб қўйилган. Бу 60 кредитни ташкил қилади. Ҳар бир семестр учун белгиланган кредитлар миқдори эса 30 кредитни ташкил қилади. Бундан ташқари талаба ҳар бир кредитни қўлга киритиш учун белгиланган ўқиш юкламаси миқдори ҳам аниқ ва бу 25-30 соат оралиғида. Шундай экан талабаларнинг ҳар ўқув йилидаги ўқиш юкламаси ўртача 1500-1800 соат (60*25 = 1500; 60*30= 1800), ҳар семестрдаги ўқиш юкламаси эса ўртача 750-900 соатни ташкил этади (30*25 = 750; 30*30= 900). Талабанинг бир йиллик ва бир семестрдаги ўқиш юкламаси бу миқдордан кўп ҳам, кам ҳам бўлиши мумкин эмас.

Шундай экан талабаларнинг бир ўқув йили ёки бир семестр давомидаги ўқиш юкламаси ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган барча университетларда деярли бир хил бўлади. Бу бирхиллик ўқув дастурларига барқарорлик ва мувозанат олиб киради. Эндиликда ОТТлар талабаларга бир семестрда 7 та фан, иккинчи семестрда эса 10 та фанни ўқишни мажбурлаши қийинлашади. Амалдаги тизимда эса бундай барқарорлик ва мувозанатга кафолат йўқ эди. Шунинг учун талабалар бир семестр давомида баъзида 7 та, баъзида 8 та, ва яна бошқа семестрда эса 10 та фанни ўқишларига тўғри келади.

Бундан ташқари, ҳозирда аксарият маҳаллий университетларда талабалар бир семестр давомида одатда 8-10 тагача фанларни ўқишларига тўғри келмоқда. Аслида 8-10 та фанни 4 ой ичида ҳар томонлама ўрганиш бу жуда муаммоли масала. Мамлакатимиздаги амалдаги олий таълим стандартлари тўғрисидаги қоидаларда ҳам ОТТлар талабаларга ҳафтасига 36 соатгача аудитория машғулотлари белгилаши мумкинлиги қайд этилган. Бу 5 кунлик ўқув ҳафтасида кунига 7 академик соатни англатади. Бундай ҳолатда талаба фанларни том маънода ўрганиш ўрнига кунни шунчаки дарсдан-дарсга,





хонадан-хонага югуриб ўтказишларини тасаввур қилиш мумкин холос. Қолаверса, ўзи куннинг шунча қисмини аудиторияда ўтказган талаба дарсдан ташқари вақтини энди ўқишга сарфлашга хоҳиш ва имконият топишига ишониш қийин.

Кредит-модуль тизимида эса кредитларнинг фанлар бўйича ўртача тақсимоти 5, 6 ёки 7.5 ни ташкил этади. Бу дегани талаба бир семестрда кўпи билан 4, 5 ёки жуда борса 6 та фан ўрганади (30/7.5=4; 30/6=5; 30/5=6). Бу талабалар семестр давомида ўрганиши зарур бўлган фанларнинг сони амалдагидан кўра анча қисқаришини англатади. Яъни, кредит-модуль тизими ОТТ ўқув дастурларига меъёр ва сифат олиб кириши, таълимни ташкил этишда сон кўрсаткичидан сифат кўрсаткичига ўтишга хизмат қилади. Чунки фанлар сонининг бу тарзда қисқариши, эндиликда талабалар ўз вақт ва имкониятларини ана шу кам сонли фанларни чуқурроқ ва ҳар томонлама ўрганишларига имконият яратади.

### В) ОТТ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИГА ТАНЛОВ ФАНЛАРИНИ КИРИБ КЕЛИШИ

Ўқишнинг дастлабки йилларида соҳа бўйича умумий билимга эга бўлгандан сўнг талабаларда айрим йўналиш ва фанлар бўйича чуқурроқ билимга эга бўлиш ва келажакда шу йўналишда ишлашга иштиёқ пайдо бўлиши мумкин. Бу дегани, талабалар йилдан-йилга мутахассис сифатида шаклланиб борар экан, улар учун ўқиш дастуридаги айрим фанларнинг аҳамияти ортиб, айрим фанларнинг аҳамияти камайиб боради. Лекин ҳозирда университетлар қатъий белгилаб қўйилган ўқув дастурлари асосида иш юритади. Яъни, талабалар ўқишга киргандан бошлаб то битиргунга қадар дастурда белгиланган барча фанларни ўрганишга мажбур.

Бу қай даражада тўғри? ОТТда таълим олаётган талабалар қатъий белгиланган стандарт ўқув дастури асосида таълим олиши шартми? Дастурдаги барча фанлар ҳар бир талабанинг қизиқишлари, келажак режасига тўғри келмасачи? Аслида ҳар бир талаба ўз қизиқишлари, имкониятлари, келажакда қайси касбни эгаллаши ва бу учун ке-

ракли фанларни университетдан кўра яхшироқ билади. Талабани мажбурлаб хонада олиб ўтириш мумкин, лекин унинг фикр ва эътиборини хонада ушлаб ўтириб бўлмайди. Яъни, у барибир ўзи хоҳлаган нарсасига эътибор беради, хоҳламаган нарсасига эса йўқ. Имтиҳонлардан эса бир амаллаб ўтиб олишга ҳаракат қилади. Бундан кимга нима фойда? Аксинча бундай ҳолатлар қанчадан-қанча ресурслар, маблағлар, инсонлар вақти беҳуда сарфланишига сабаб бўлади. Бу олий таълим тизимида коррупция ҳолатларига ҳам сабаб бўлиши мумкин.

Кредит-модуль тизимига ўтишнинг муҳим жиҳатларидан яна бири бу ўқув дастурига танлов фанларининг кириб келишидир. Унга кўра талабалар ўқишнинг дастлабки йилларида соҳага оид асосий, умумкасбий фанларни ўзлаштириб, соҳа бўйича умумий билимни эгаллаб олганларидан сўнг, улар энди соҳага оид махсус фанларни ўз қизиқишларидан келиб чиқиб ўзлари танлаш имкониятига эга бўладилар. Бунда ОТТ талабаларга ўқув йили давомида таклиф қилинаётган танлов фанларнинг рўйхатини ва улар ҳақида батафсил маълумот тақдим этади. Талабалар эса ушбу рўйхат ва маълумотлар асосида ўзлари қизиққан фанларни танлайдилар. Бу жараён ҳар бир талаба ўзининг бакалавр ёки магистратура ўқиш дастурини маълум маънода ўзи шакллантиришга имкон яратади. Яъни, гуруҳда 50 нафар талаба бўлса, уларнинг ҳар бири ўз қизиқишларига кўра ўз ўқиш дастурларига эга бўлади.

Танлов фанлари миқдори курсдан-курсга кўпайиб бориши зарур. Чунки талаба курсдан-курсга ўтган сари, мутахассис сифатида шаклланиб ва унда мустақил қарор қабул қилиш қобилияти ҳам юксалиб боради. ОТТлар аста-секинлик билан талабларга ўз факультетларидан ташқарида, яъни бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари олишга имконият яратишлари зарур.

Танлов фанлари амалиёти нафақат талабалар ўзлари хоҳлаган йўналиш бўйича чуқурроқ билим олишга имконият яратади, балки ОТТ ўқув дастуридаги фанлар таркиби табиий равишда саралашиб боришига ҳам хизмат қилади. Чунки, талабалар қизиқиш ва эҳтиёжларига жавоб бермайдиган фанлар аста-секинлик билан





дастурни тарк этиб, фанлар рўйхатини иқтисодиёт, давр талаблари ва талабалар қизиқишларига мос фанлар эгаллай бошлайди. Бундан ташқари фан ўзига етарли миқдорда талабаларни жалб қила олиши учун ўқитувчи доимий равишда ўз устида ишлаши, талабалар учун фаннинг аҳамиятини сақлаб қолиши, дарсларнинг сифатини доимий равишда яхшилаб бориши зарур. Акс ҳолда ушбу фан ўқув дастуридан чиқиб кетиши ва натижада ўқитувчи ўз ишини йўқотиб қўйиши мумкин. Бу жараён дарслар сифатининг яхшиланишига хизмат қилади.

Танлов фанлари амалиёти ривожланган давлатларда ўзини исботлаган амалиётдир. Улардаги фан тараққиёти, иқтисодиёт даражаси, мутахассисларнинг салоҳияти таълимдаги айнан шу жиҳат билан боғлиқ бўлса ажаб эмас. Чунки талаба ўзи хоҳлаган, қизиққан фан ва йўналишларни яхшироқ ўзлаштиради ва унда катта муваффақиятларга эришиши мумкин.

Шуниси аниқки, кредит-модуль тизимининг тарихи, унинг пайдо бўлиши танлов фанлари амалиёти билан чамбарчас боғлиқ. Яъни, кредит-модуль тизимининг юзага келишига танлов фанлари амалиёти сабаб бўлган.[1] Шундай экан, агар ОТТ ўзида кредит-модуль тизимини жорий этсада, лекин ўқув дастурларига танлов фанларини олиб кирмаса, ушбу ОТТ том маънода кредит-модуль тизимида фаолият юритяпти, дейиш қийин.

### С) ОТТЛАР ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИДА ФАНЛАРНИНГ САРАЛАНИШИ

Тасаввур қилинг сиз палов пиширмоқчисиз. Бунда сизга асосан гўшт, ёғ, сабзи, пиёз ва гуруч керак бўлади. Сиз бу таомни тайёрлаш учун одатда шолғом ёки картошка ишлатмайсиз. Чунки улар сиз тайёрламоқчи бўлган таом мақсадларига тўғри келмайди. Агар сиз палов тайёрлашда сабзи ўрнига шолғом қўшиб юборсангиз,

[1] «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? 2020 йил 5 август, № 163 (7665).

натижада таомингиз бошқача чиқиб қолиши тайин ва бундан ўша таомни истеъмол қилувчилар ранжиши мумкин. Худди шундай, мутахассис тайёрлаш ҳам унда мутахассисликка оид зарур билим, кўникма ва маҳоратларни шакллантиришдан иборат. Агар талабага зарур мутахассислик билим ва кўникмалар қолиб бошқа нарсалар ўргатилса, унда мутахассисликка оид жиҳатлар тўлиқ шаклланмай қолади. Бунинг натижасида битирувчини ишга олган ташкилот мутахассисдан ҳам, уни тайёрлаган таълим ташкилотидан ҳам ҳафсаласи пир бўлиши мумкин.

Ҳозирда олий таълим ўқув дастурларида талабанинг мутахассислигига тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган фанлар етарлича. Масалан, аксарият университетларда 1-курсда, айрим ҳолларда юқори курсларда ҳам жисмоний тарбия, диншунослик, этика, эстетика ва шунга ўхшаш бошқа фанлар ўтилади. Бу фанларни одатда талабаларнинг мутахассислигига тўғридан-тўғри алоқаси йўқ бўлсада, улар ОТТ ўқув дастурларида анчагина жой ва вақтни эгаллайди. Қолаверса, талаба жисмоний тарбия фанини ОТТда фақат 1 семестр ёки 1 йил ўрганиши бироз ғалати. Бир мутахассис таъкидлаганидек, гўёки жисмоний саломатлик ва спорт талабага фақат бир семестр ёки бир йил керак бўлади холос.

Аслида бу каби фанларнинг аксарияти мактабнинг юқори синф дастурлари хусусиятларидир. Агар талаба ушбу фанлар бўйича мактабда билим ва кўникмага эга бўлган бўлса, уларни университет даражасида яна такрорлашга қандай эҳтиёж бор? Ундан кўра талаба шу вақтни ўз соҳасини чуқурроқ ўрганишга сарф қилсачи? Тўғри, диншунослик, этика ва эстетика каби умумий фанлар ёшларнинг шахс сифатида шаклланишида катта роль ўйнаши мумкин, лекин ҳозирда мактаб битирувчиларининг бор йўғи 10-20% фоизигина ОТТ га кирмоқда. Бу дегани агар бу фанлар мактаб юқори синфларида ўргатилмаса, мактаб битирувчиларининг аксариятида бундай билимга эга бўлиш имконияти бўлмайди. Агар бу каби умумий фанлар ҳақиқатда ҳам ёшларнинг шахс сифатида шаклланиши ва жамият учун муҳим ҳисобланса, унда улар ОТТ даражасида эмас балки мактабнинг юқори синфларида





ўргатилиши мақсадга мувофиқ. Шунда бундай фанлардан кўпроқ ёшлар баҳраманд бўлишади.

Қисқача айтганда, ОТТ ўқиш дастурларининг умумий, мутахассисликка тўғридан-тўғри алоқаси бўлмаган, ўзини такрорловчи фанлар билан тўлдирилиши талаба университетдаги қисқа ва энг қимматли вақтидан самарали фойдалана олмаслигига олиб келмоқда.

ECTS кредит-модуль тизимида эса ОТТлар ўзининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастури мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олиши талаб этилади. Яъни, улар муайян мутахассислик бўйича ўқиш дастурини яратишдан аввал ўз олдиларига қуйидаги саволларни қўйишлари талаб этилади:

- Биз қандай мутахассис тайёрламоқчимиз?
- Бизнинг битирувчилар айнан қандай билим, кўникмага эга бўлиши ва университет дастурини тамомлагандан сўнг нималарни қила олиши керак?
- Талабаларимиз шу билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши учун нималарни (фанлар, машғулотлар ва тажрибаларни) ўрганиши керак?

Шу учта савол ҳақида мулоҳаза қилиш жараёнининг ўзи ўқув дастури қандай фанлар, машғулотлар ва тажрибалардан ташкил топган бўлиши ҳақида хулосани ишлаб чиқишга имкон беради. Ҳар бир ОТТ бакалавр ва магистратура дастури турлича бўлганлиги сабабли унинг мақсадлари ҳам турлича бўлиши табиий ҳолат. Шунинг учун ҳам бу ўқув дастурларини университет даражасида ишлаб чиқиб, тасдиқлашади.

Яъни, ОТТлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурининг мақсадларини битирувчи дастур давомида қўлга киритиши зарур бўлган билим, кўникма ва маҳоратлар шаклида олдиндан аниқ белгилаб олишлари зарур. Бу кредит-модуль тизими тили билан «Program Learning Outcomes» деб аталади. Ўқув дастури мақсадлари белгилаб олингандан сўнг, эндиликда дастурда

фақат шу мақсадларга хизмат қилувчи фанларгина сақлаб қолинади ёки дастурга киритилади, қолган фанлар эса дастурни тарк этиши зарур.

Шу нуқтаи назардан, ОТТлар ўз ўқув дастурларини иқтисодиёт меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжларидан келиб чиққан ҳолда эркин шакллантириш имкониятига эга бўлишлари учун 2001 йил 16 августда Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган «Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорга ўзгартириш киритилиши ва ОТТларга ўқув дастурларини ўзлари эркин шакллантиришга имконият берилиши керак. 19 йил аввал ишлаб чиқарилган стандарт бугунги замон талабларига жавоб бермаслиги эҳтимоли катта. Зеро, иқтисодиёт ва меҳнат бозори талаблари ўзгарган сари ОТТларнинг ҳам ўз ўқув дастурларини мунтазам равишда баҳолаб бориш, зарур бўлса, ўзгартиришга имконияти бўлиши керак.

### D) ОТТ ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИГА ШАФФОФЛИК ОЛИБ КИРИШ

Кредит-модуль тизимида ОТТлар нафақат ҳар бир ўқиш дастурлари мақсадларини олдиндан белгилаб олишлари зарур, балки бу мақсадларни ўзининг бўлғуси ва мавжуд талабаларига олдиндан шаффоф тарзда етказиши керак. Ҳозирда, маҳаллий ОТТларга ҳужжат топшираётган талабалар ўзлари ҳужжат топшираётган бакалавр ёки магистратура дастурларида айнан нималарни ўрганишлари мумкинлиги ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслар. Аксарият ҳолларда абитуриентларга фақат университет, факультет ва дастур номигина маълум. Ҳатто университетда ўқиётган талабалар ҳам кейинги семестрда қайси фанларни ўқишларини фақат ўша семестр бошидагина биладилар. Яъни, абитурентлар ва талабаларга бакалавр ёки магистратура дастурларининг мақсадлари, унда ўрганиладиган фанлар, дастурда улар қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлишлари ҳақида олдиндан, қолаверса ўқиш давомида ҳам етарлича маълумот берилмайди.





Абитуриентга ёки талабаларга бу маълумотлар нима учун олдиндан тақдим этилиши зарур? Ҳозирда талабаларга бир пайтнинг ўзида бир нечта университетларга ҳужжат топшириш имконияти берилмоқда. Шундай экан улар бир пайтни ўзида бир нечта ОТТга қабул қилиниши мумкин. Бўлғуси талабалар қайси ОТТнинг қайси дастурига ҳужжат топшириш ва уларга қабул қилингандан сўнг танловни амалга ошириши учун ОТТ ва уларнинг дастурлари ҳақида етарлича маълумотга эга бўлишга ҳақлидирлар. Танлов учун ОТТ ёки ундаги дастурларнинг номини билишнинг ўзигина етишмайди. ОТТлар сони кўпайган сари эндиликда талабалар ундаги дастурларнинг номига қараб эмас, балки сифатига қараб танлай бошлайдилар. Яъни, абитуриентлар ҳаётларининг 4 ёки 2 йилини ва кийналиб топилган пулларини нимага сармоя қилаётганликларини олдиндан билишга ҳақлидир. Қолаверса, ҳар бир талаба ОТТга анча миқдорда контракт пули тўлаётган мижоз сифатида муайян ўқиш дастури ҳақида батафсил билишга ҳақлидир.

Кредит-модуль тизимига ўтгандан сўнг эса университетлар ўзларининг ҳар бир бакалавр ва магистратура дастурлари бўйича дастур каталогини, яъни китобчасини ишлаб чиқишларига тўғри келади. Унда ҳар бир бакалавр ва магистратура ўқув дастурнинг мақсадлари, қабул қоидалари, ОТТдаги ўқиш шароитлари, академик тақвим, талабалар 4 йиллик ёки 2 йиллик дастур давомида айнан қайси фанларни ўқишлари мумкинлиги, ушбу фанларнинг қисқача тавсифи, қайси фан айнан қайси курсда ўрганилиши, уларни айнан кимлар ўқитиши, ОТТда талабалар учун ётоқхона имкониятлари, талабаларнинг бир ойлик ўртача яшаш харажатлари, ОТТда қўлланиладиган баҳолаш усул ва мезонлари ҳақида абитуриент ва талабаларга олдиндан шаффоф тарзда маълумот берилиши зарур. Бу маълумотлар ҳар янги ўқув йили бошида китобча тарзида талабаларга тарқатилади ёки университет веб саҳифасига юклаб олиш мумкин бўлган форматда жойлаштирилади.

### Е) ОТТЛАРДА ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРНИ ШАФФОФ ТАРЗДА ТАШКИЛ ЭТИШ

Ҳозирда мамлакатимиздаги аксарият ОТТларида талабалар семестр бошида дарслар бошланиши арафасида фақат ўша семестрда ўтиладиган фанларнинг номи, уларни ўқитадиган ўқитувчилар исмлари, дарслар қайси пайт, қайси хоналарда ўтиши ҳақида маълумотга эга бўладилар холос. Талабаларга ушбу фанларнинг мақсадлари, уларни талабанинг мутахассис бўлиб етишишида тутган ўрни, талаба ушбу фанлар орқали қандай билим, кўникма ва маҳоратга эга бўлиши кутилаётганлиги ҳақида маълумот деярли берилмайди, билмайдилар. Чунки амалиётда университет фанлари ҳақидаги бундай маълумотлар талабаларга тизимли, яхлит ва шаффоф тарзда тақдим этилмайди.

Кредит-модуль тизимида эса ОТТнинг ҳар бир ўқитувчиси ўзининг ҳар бир фани бўйича 4-5 варақли фан дастурига, яъни «syllabus» га эга бўлиши ва уни семестр бошида талабаларга тақдим этиши керак бўлади. Фан дастури ўзида ушбу фаннинг мақсадлари, унинг ўқув дастурида тутган ўрни, талабанинг келажакдаги касбий фаолияти учун аҳамияти, талабалар ушбу фанни ўрганиш натижасида нималар қила олиши, ушбу фан бўйича семестр давомида ўрганиладиган мавзулар, талабалар фойдаланиши зарур ва мумкин бўлган адабиётлар рўйхати, баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумотларни қамраб олади. Агар фан танлов фани бўлса, талаба учун бундай маълумотларнинг аҳамияти жуда катта. Чунки талаба фанни танлаш ёки танламаслик бўйича қарорга келиши учун фанни номини ёки уни ўқитадиган ўқитувчининг исмини билишни ўзигина кифоя қилмайди. Талаба бундай қарорга келиши учун фан бўйича етарли маълумотга эга бўлиши керак.

Фан дастуридан кўзланган мақсад жуда оддий – ОТТларда дарс жараёнларини шаффоф, мақсадли ва режа асосида ташкил этишга эришишдир. Бу амалиёт, авваламбор ўқитувчини ўзи ўқитмоқчи бўлган фан мақсадлари ва аҳамиятини ўзи тушуниб олишга ундайди. Афсуски амалиётда, ўзи ўргатаётган фанининг мақсадлари





ва унинг талабаларни мутахассис сифатида шаклланишидаги аҳамиятини билмайдиган ўқитувчилар ҳам етарлича.

Агар ўқитувчи ўз фани мақсадларини олдиндан аниқ белгилаб олса, у семестр давомида барча таълим ҳаракатларини мана шу мақсадларга эришишга қаратади. Имтиҳонлар ҳам талабаларнинг ушбу кўзланган мақсадларга эришган-эришмаганлиги текширишга қаратилади. Агар фаннинг мақсадлари белгиланмаса ёки у талабанинг мутахассис сифатида шаклланишига хизмат қилмаса, ушбу фан ўқув дастурида қолиши тўғри эмас. Лекин ушбу амалиёт ОТТ томонидан ўқитувчилар устидан назоратни кучайтириб юборишига, ўқитувчиларни шу баҳона жазолашга ва қоғозбозчиликка ҳам олиб келмаслиги керак.

## 5. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ҚАНДАЙ ЯРАТИЛАДИ?

***ECTS кредит-модуль тизимида ОТТ ўқув дастурларини шакллантириш қуйидаги муҳим босқичларни ўзида қамраб олади:***

***1) Ўқув дастури профилини яратиш (мақсадларини белгилаш);***

***2) Кредитларни модуллар бўйича тақсимлаш;***

***3) Ўқув дастурини талабалар ва бошқа манфаатдор томонларга етказиш.***

Қуйида ҳар бир босқичнинг ўзига хос жиҳатлари ҳақида қисқача тўхталиб ўтамиз.

### А) ЎҚУВ ДАСТУРИ ПРОФИЛИНИ ВА ЎҚИШ НАТИЖАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ

ECTS кредит-модуль тизимида фаолият юритувчи ҳар бир ОТТ кредит-модуль тизимига ўтишни ўзининг ҳар бир ўқув дастури профилини яратишдан бошлайди. Дастур профили одатда макси-

мум 1-3 варақдан иборат ёзма баённот бўлиб, у асосан қуйидаги саволларга жавоб бериши керак.

***1. Ўқув дастури доирасида қандай мутахассис тайёрланади?***

***2. Ўқув дастури қайси таълим даражасини беради?***

***3. Талабалар дастур давомида қандай ўқиш натижаларига эришади?***

Қисқача айтганда, ОТТ ўқув дастури профили бу дастур ҳақидаги асосий маълумотлар ва мақсадлари тафсилотларидан ташкил топган. Уни сафарга кетаётган одам сафар манзили, сафарни нимада амалга ошириши, сафардан кўзланган мақсадларини олдиндан белгилаб олишига қиёслаш мумкин. Зеро, инсонлар одатда бундай масалаларга аниқлик киритмасдан сафарга чиқмайди.

Худди шундай, ОТТлар ҳам ўзларининг ҳар бир ўқув дастури ўз профилига эга бўлишини таъминлашлари керак бўлади. Ўқув дастури профилини яратиш ҳозирда мазкур соҳа битирувчилари билиши, тушуниши ва қила олиши зарур бўлган асосий билим, кўникма ва маҳоратлар кўламини аниқлашдан бошланади.

ОТТ ўз ўқув дастурлари профилларини ишлаб чиқишда дастурнинг манфаатдор томонлари: ўқитувчилар, асосий иш берувчи ташкилотлар, акредитация идоралари, дастур битирувчилари (alumni), талабалар вакиллари орасида сўровлар ўтказиш, уларни фикрларини эътиборга олиши зарур. Зеро иш берувчи ташкилотлар ўзлари келажакда ишга оладиган битирувчилар қандай билим ва кўникмага эга бўлиши кераклигини, дастурни аввал битирганлар улар дастурда аввал ўрганган қайси билимлар амалиётда қўл келганлиги, қайсилари қўл келмаганлигини, ўқитувчилар дастурдаги фанларнинг илмий ва назарий аҳамиятини, талабалар вакиллари эса талабаларнинг ҳозирги таълим эҳтиёжлари ҳақида ОТТ маъмуриятидан кўра яхшироқ тушунчага эга.





**М и с о л: Ҳуқуқшунослик йўналиши бўйича бакалавр даражасини берувчи ўқув дастурини тахминий ўқиш натижалари:**

***1. Ҳуқуқнинг асосий ва айрим соҳалари бўйича умумий билимга эга бўлиш;***

***2. Ҳуқуқий меъёрларни турли манбалардан излаб топиш ва уларни таснифлай олиш;***

***3. Ҳуқуқий меъёрларни таҳлил қилиш ва уларни ҳаётий муаммога қўллай олиш;***

***4. Ҳуқуқ меъёрларидаги ноаниқлик ва номутаносибликларни аниқлай олиш;***

***5. Ҳуқуқий ҳужжат, шартнома, ахборот, фикр ва хатларни ёза олиш;***

***6. Ҳуқуқий масала бўйича оғзаки ахборот ва тақдимотлар қила олиш;***

***7. Ҳуқуқни бошқа соҳалар билан боғлай олиш;***

***8. Мижозни тинглаш, у билан мулоқотга кира олиш;***

***9. Ҳуқуқ ва касб этикаси қоидаларини тушуниш ва уларни кўрсата олиш;***

***10. Ижтимоий, жинсий, ирқий ва диний тенгликни тушуниш ва ҳурмат қилиш;***

***11. Бошқалар билан ҳамкорликда қилиш ва гуруҳда ишлай олиш;***

***12. Танқид қилиш ва танқидни қабул қила олиш.***

Ўқув дастури профилини яратиш дастурда ўргатиладиган фанлар, машғулотлар, модуллар рўйхатини белгилаб олиш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Чунки дастурда қандай фанлар ва модулларнинг бўлиши дастур профилидан келиб чиқиб белгиланади. Профилнинг мавжудлиги, ундаги мақсадларнинг аниқлиги ўқув дастурига фақат дастур мақсадларига мос фан ва машғулотлар киритилишига, унга номутаносиб фанлар эса дастурдан чиқарилишига хизмат қилади. Бўлғуси талабалар ҳам дастур профили ёрда-

мида дастур давомида ўзларида қандай жиҳатлар шаклланиши ҳақида тушунчага эга бўладилар ва шу «харита» асосида ҳаракат қиладилар.

Ривожланган давлатлар ОТТлари ўзларининг ҳар бир ўқув дастурлари бўйича профилига эга ва буни уларнинг веб саҳифаларида кузатиш мумкин.

### В) КРЕДИТЛАРНИ МОДУЛЛАР БЎЙИЧА ТАҚСИМЛАШ ҚОИДАЛАРИ

ОТТ ўқув дастурлари профиллари яратилгандан сўнг ундаги фанлар ва машғулотлар рўйхати шакллантирилади. Дастурдаги фанлар бир нечта модулларга ажратилади ва уларнинг ҳар бирига тегишли миқдорда кредитлар тақсимланади. Кредитларнинг ҳар бир модуль бўйича тақсимоти унда кўзланган ўқиш натижаларига эришиш учун талаба тахминан қанча ўқиш юкламасини бажариши кераклигига қараб белгиланади. Бунда ўқиш юкламалари миқдори уларни бажариш учун ўртача талаба тахминан қанча вақт сарфлаши ҳисобга олинади. Эслатиб ўтамиз, ECTS кредит-модуль тизимида 1 кредит 25-30 соат ўқиш юкламасига тенг.

ECTS тизимида кредитларни ўқув дастурлари, ўқув йиллари, семестрлар бўйича тақсимоти олдиндан белгилаб қўйилган. Яъни, ОТТлар ўқув дастурлари, ўқув йили ёки семестрлар бўйича аниқ белгиланган кредитлар миқдорини ўзларича белгилай олмайдилар. Бу бўйича аниқ қоидалар мавжуд.

**Кредитларни дастурлар бўйича тақсимлаш.** Кредитларнинг ўқув дастурлари бўйича тақсимоти ҳар бир давлатнинг олий таълим даражалари кўламига қараб амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимида ECTS тизимида фаолият юритадиган ОТТларда бу тақсимот бакалавриат учун 240, магистратура учун 120 кредит, докторантура дастурлари хусусиятларидан келиб чиқиб, турлича белгиланиши мумкин. Бу тақсимот қоидаларини қуйидагича тасвирлаш мумкин:





| Дастурлар | Йиллар | Кредитлар |
|---|---|---|
| Бакалавр | 4 йил | 240 кредит |
| Магистратура | 2 йил | 120 кредит |
| Докторантура | турлича | турлича |

Кредитларни йиллар ва семестрлар бўйича тақсимлаш. Кредитларнинг ўқув йиллари ва семестрлар бўйича тақсимоти қуйидагича амалга оширилади: 1 йил = 60 кредит, 1 семестр = 30 кредит. Лекин бир ўқув йили 2 эмас, балки 3 семестрдан иборат ўқув дастурларида 60 кредит 3 та тенг қисмлардан иборат бўлади.




Кредитни модуллар бўйича тақсимлаш. Кредитларни модуллар бўйича тақсимлаш ОТТлар томонидан, айрим ҳолларда эса тегишли факультетлар томонидан амалга оширилиб, ОТТнинг тегишли кенгашида тасдиқланади.

Кредитлар тақсимоти асосан икки усулда амалга оширилади:

- *Модуляр тақсимот;*
- *Модуляр бўлмаган тақсимот.*

Ушбу кредитлар тақсимоти усулларининг ҳар бири ўзига хос афзаллик ва ноқулайликларга эга.

**Модуляр тақсимот.** Модуляр тақсимот усулида кредитлар модуллар бўйича стандарт сонларда тақсимланади. Бунда ОТТдаги барча фанлар, масалан 5, 6 ёки 7.5 кредитларда тақсимланиши, мумкин. Кредитларни модулларга бутун сонларда тақсимланади лекин айрим ҳолларда кредитлар истисно тариқасида каср сонларда (.5) ҳам тақсимланиши мумкин (масалан ўқув дастури бир семестр учун 4 та модуль режалаштирганда). Бундан бошқа ҳолатларда кредитларни каср сонларда тақсимлаш тавсия этилмайди.

Модуляр тақсимотда белгиланган кредитларни ўқиш юкламаси ва семестр ўқув дастуридаги фанлар сонига қараб асосан 5, 6 ёки 7.5 кредитларда тақсимлаш мумкин. Бунда 5-кредитлик тақсимотда бир семестрда 6 та модуль, 6-кредитлик тизимида 5 та, ва 7.5-кредитлик тақсимотда эса 4 та модуль ўтилади. Уларнинг ўқиш юкламалари тахминан қуйидагича бўлади:

| 5-Кредит | 6-Кредит | 7.5-Кредит |
|---|---|---|
| • 125-150 умумий юклама соатлари<br>• 50-60 аудитория соатлари<br>• фанлар сони: 6 (5*6 =30) | • 150-180 умумий юклама соатлари<br>• 60-72 аудитория соатлари<br>• фанлар сони: 5 (6*5 =30) | • 187.5-225 умумий юклама соатлари<br>• 75-90 аудитория соатлари<br>• фанлар сони: 4 (7.5*4 =30) |

Модуляр тақсимотни усулини яна кредитлар тақсимотининг ***тепадан пастга йўналтирилган***, яъни ***«топ-давн» (top down)*** усули деб ҳам аталади. Чунки бундай усулда кредитларнинг модуллар бўйича тақсимоти ўқув дастурининг профили, унинг умумий мақсадларидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.





Модуляр тақсимотнинг афзалликлари сифатида қуйидагиларни санашимиз мумкин. Модуляр тақсимотда кредитлар барча фанлар бўйича стандарт сонларда амалга оширилганлиги учун мувозанатли ўқув дастури ва ўқиш жадвали юзага келади. Бу тақсимот имтиҳонлар жадвалида имтиҳонлар кўпайиб кетишининг ҳам олдини олади. Бундан ташқари, модуллар тақсимотга асосланган ўқув дастурларига асосланган ОТТларда талабалар ўзлари ўқиётган факультетидан бошқа факультетлардан ҳам танлов фанлари ўрганишлари осонлашади. Чунки университетнинг барча факультетлари стандарт тақсимот қоидалари асосида фаолият юритса, талаба бошқа факультетда қўлга киритган кредитларини ўз ўқув дастурига ўтказиши осон бўлади. Бу усул мамлакат ОТТлари ва халқаро даражадаги ўзаро талабалар алмашинуви ёки ўқишни кўчириш масалаларига ҳам ижобий таъсир кўрсатиши мумкин.

Модуллар тақсимотнинг ноқулайликлари шундан иборатки, унда факультет ёки ўқитувчиларнинг академик эркинлиги маълум даражада чекланади. Чунки ҳар бир факультет ёки ўқитувчи ўзи ўқитадиган фанлари учун ўзи хоҳлаганча етарли миқдорда кредитни тақсимлаш имконига эга эмас, ҳатто фан юкламаси шуни тақозо этса ҳам. Бундай ҳолатларда ўқиш юкламаси катта бўлган фанлар бир нечта қисмларга/модулларга бўлиб, яъни дастурга алоҳида давомли фанлар тариқасида киритилади (Масалан, математика И, математика ИИ).

Ҳозирда, ECTS тизимида фаолият юритадиган кўп хорижий давлатларда кредитларнинг фан ва модуллар бўйича тақсимоти 5, 6, 7.5 кредитни ташкил этади. Бунда нима учун кредитлар айнан шу комбинацияларда тақсимланаяпти деган савол туғилиши мумкин. Кредитларни бу миқдорларда тақсимлаш талабага семестр давомида 6, 5 ёки 4 та модуль ўқиш имконини яратади. Қолаверса, бу сонлардаги кредитларни бошқа кредит-модуль тизимларига конвертация қилиш ҳам анча осон кечади. Масалан, 6 ECTS кредитли модуль одатда Америка университетларининг 3 кредитлик модулларига, Буюк Британия университетларининг 12 кредитли модулларига тенг.

**Модуллар бўлмаган тақсимот.** Модуляр бўлмаган тақсимот усулида кредитлар ўқув дастуридаги ҳар бир модульга турлича миқдорларда тақсимланади (масалан, 3, 4, 5, 6, 7, 8, 9, 10, 15). Тақсимотнинг бу усули афзалликлари қуйидагича. Унда кредитларни фанларнинг аҳамияти ва юкламаларига қараб турлича сонларда тақсимлаш имконияти мавжуд. Модуляр бўлмаган тақсимот усули кредит тақсимотининг ***пастдан тепага йўналтирилган***, яъни ***«боттом ап» (bottom up)*** усули деб ҳам аталади. Бунинг сабаби бундай тақсимотда асосий эътибор фан ва модулларнинг ўқув дастуридаги аҳамиятига қаратилади ва тақсимот шу марказдан бошланади.

Модуляр бўлмаган тақсимот усулининг ноқулайликлари қуйидагича. Унда баъзи фанлар ўқув дастурида ҳукмронликни қўлга киритиши мумкин. Чунки одатда ҳар бир ўқитувчи ўз фанларини ўқув дастурида тутган ўрнига юқори баҳо беради. Бу нуфузли ўқитувчилар фанларига кўпроқ кредитлар тақсимланишига, бунинг натижасида бошқа фанлар учун белгиланган кредитлар миқдорининг камайиб кетишига олиб келиши мумкин. Шунинг учун модуллар бўлмаган тақсимотга асосланган ўқув дастурлари ўқиш жадвалларида мувозанат йўқолиши мумкин.

### С) ТАНЛОВ ФАНЛАРИ

Кредит-модуль тизимининг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири бу ўқув дастурида танлов фанларининг бўлишлигидир. У талабага йўналтирилган таълимнинг асосий хусусияти. Бунда талаба ўқув дастури учун белгиланган кредитларнинг бир қисмини мажбурий фанларни ўрганиш ҳисобидан, қолган қисми эса танлов фанларини ўрганиш ҳисобидан жамғариш имкониятига эга бўлади. Масалан, талаба бакалавр дастурини тамомлаши учун 240 кредит жамғариши кераклигини ҳисобга олсак, у ушбу кредитларнинг 50 фоизини (яъни 120 кредитни) мажбурий фанлар ҳисобига, қолган 50 фоизини эса (120 кредит) танлов фанлари ҳисобига жамғариши мумкин.

**Танлов фанлари** бу муайян ўқув дастури доирасида талаба ўзининг хоҳиши, қизиқишлари, келажак режалари асосида танлаш ва ўрганиш имкониятига эга бўлган фанлардир. Бунда ОТТ томонидан талабаларга муайян ўқув йили давомида ёки бутун ўқув дастури давомида ўрганиши мумкин бўлган танлов фанлари рўйхати тақдим этилади ва талабалар ушбу рўйхатдан ўзлари қизиққан фанларни танлайдилар ва ўрганадилар. Лекин талаба танлаган фанлар кредитларининг умумий миқдори ўша ўқув йилида танлов фанлари учун ажратилган кредитлар миқдорига мос келиши зарур. Масалан, дастурда муайян ўқув семестрида талаба 18 кредитни танлов фанлари ҳисобига жамғариши белгиланган ва ҳар бир танлов фани 6 кредитда акс этган бўлса, талаба мазкур семестрда 3 та танлов фанини ўрганади.

Танлов фанлар одатда талаба муайян таълим соҳасининг муайян йўналиши бўйича чуқурроқ билим олишига хизмат қилади. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг танлов ҳуқуқини икки турга ажратиш мумкин:

- **Чекланган танлов ҳуқуқи.** Бунда талабаларга ҳар бир ўқув йили бўйича фанлар танловини амалга ошириши учун жуда чекланган миқдордаги танлов фанлари рўйхати берилади ва улар шу рўйхатдан белгиланган миқдордаги кредитларга мос равишда фанларни танлайди. Масалан, талабаларга 3 та танлов фанларидан иборат рўйхат тақдим қилиниб, рўйхатдан 2 та фанни танлаш имконияти берилиши мумкин. Кўриб турганингиздек, бунда талабанинг танлов имконияти анча чекланган бўлади. Бундан ташқари талаба айнан қайси курсда қайси танлов фанларини ўрганиши мумкинлиги ҳам олдиндан белгилаб қўйилиши мумкин. Бу ҳам чекланган танлов ҳуқуқига хос амалиётдир.
- **Чекланмаган танлов ҳуқуқи.** Бунда талабага дастур давомида талаба ўрганиши мумкин бўлган нисбатан анча кенг сонли танлов фанлари рўйхати тақдим этилади ва талаба бу рўйхатдан ҳар бир семестр учун белгиланган танлов фанлари кредитлар миқдоридан келиб чиққан ҳолда танловни амалга оширади. Талабага одатда қайси фанни қайси курсда танлаши мумкинлиги бўйича чеклов қўйилмайди. Лекин талабанинг танлов фанларидан жамғарган кредитлар миқдори семестрда танлов фанлари учун белгиланган кредитлар миқдоридан камайиб ёки кўпайиб кетмаслиги зарур. Лекин бунда талабаларнинг танлов ҳуқуқи мутлоқ (абсолют) эмас. Айрим танлов фанлари талаба мазкур фанларни бошлашдан аввал бошқа бир фанни тугаллашини талаб қилиши мумкин (prerequisite). Масалан, Халқаро Солиқ Ҳуқуқи фани қоидаларида талаба ушбу фанни бошлашдан аввал у Корпоратив Солиқ Ҳуқуқи фанини ўрганиши кераклиги белгилаб қўйилган бўлиши мумкин. Бунда талаба шу шартни бажаргандан сўнггина Халқаро Солиқ Ҳуқуқи фанини танлаш ҳуқуқига эга бўлади. Буни кредит-модуль тизимида прогрессия қоидалари деб аталади. Чекланмаган танлов ҳуқуқи асосидаги ўқув дастурларида талабага маълум миқдордаги кредитларни бошқа факультетларда ҳам тўплашига ҳам йўл қўйилади.





Ҳозирги босқичда, мамлакатимиздаги маҳаллий ОТТлар учун кредит-модуль тизими умуман янги тизим. Уларда кредит-модуль тизимига ўтишнинг дастлабки босқичларида танлов фанлари амалиётини чекланган танлов ҳуқуқи асосида жорий қилишлари мантиқий қадам бўлса ажаб эмас. Лекин кейинчалик ОТТ чекланмаган танлов ҳуқуқига асосланган амалиётни жорий этишлари мақсадга мувофиқ. Нима бўлганда ҳам талабаларга тақдим этиладиган танлов фанлари рўйхати уларнинг танлов ҳуқуқларини деярли йўққа чиқарадиган даражада чекланган бўлмаслиги зарур. Буни қуйидаги мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Тасаввур қилинг, сиз ўзингизга кўйлак олиш ниятида кийим дўконига кирдингиз ва бу ҳудуддаги ягона кийим дўкони. Сизнинг кўйлак ўлчамингиз «L». Афсуски дўконда фақат «S», «M» ва «XL» ўлчамидаги кўйлаклар бор. Умуман олганда сизда танлов мавжуд, лекин мавжуд кийимларнинг ўлчамлари сизнинг хоҳиш ва эҳтиёжингизга тўғри келмайди. Худди шундай ҳозирда айрим ОТТ ўқув дастурларида танлов фанлари кўлами жуда чекланган бўлиб, улар баъзида талабага 2 та фан рўйхатини тақдим қилиб, рўйхатдан 1 та фанни танлаш имконияти берилмоқда. Бундай ҳолатда талабаларга берилган танлов ҳуқуқини том маънодаги танлов ҳуқуқи дейиш қийин. Бу муаммонинг ечими талабаларнинг мутахассислиги ва уларнинг ўқиш босқичларига мос равишда танлов фанлари сонини кенгайтиришдир.

Яна шуни таъкидлаш керакки, талабалар ўз танлов ҳуқуқларини тўлақонли амалга ошириш учун уларга ўқиш бошлангандан сўнг танловни амалга ошириш учун муайян муддат вақт берилади. Танлов муддати одатда ўқиш бошланган кундан бошлаб 2 ҳафтагача этиб белгиланади. Талаба бу давр мобайнида рўйхатдаги танлов фанларидан ўзи хоҳлаганларига кириб, уларни кузатиш, ўз қизиқишларига тўғри келиш-келмаслиги ҳақида хулоса қилиш имкониятига эга бўлади ва белгиланган муддат ичида якуний қарор қабул қилади. Талаба шундан сўнг ўзининг якуний танлов фанлари рўйхатини факультет маъмуриятига тақдим қилади.

Ҳар бир таълим соҳаси ўзининг базавий фанларига эга. Бундай фанлар талабанинг мутахассис бўлиб шаклланиши, мутахассисликка оид бошқа фанларни тушунишида муҳим аҳамиятга эга. Масалан, ҳуқуқ факультети талабалари учун Давлат ва Ҳуқуқ Назарияси, Конституциявий Ҳуқуқи, Шартнома Ҳуқуқи, Мулк Ҳуқуқи, Жиноят Ҳуқуқи каби фанлар, иқтисодиёт факультети талабалари учун эса Амалий Математика, Иқтисодиёт Асослари, Макроиқтисодиёт, Микроиқтисодиёт каби фанлар базавий фанлар сирасига киради. Бундай фанлар тегишли факультетнинг ҳар бир талабаси учун муҳим ва одатда ўқув дастурларнинг дастлабки семестрларида ўқитилади. Шунинг учун ўқув дастурининг дастлабки семестрларида танлов фанлари миқдори анча чекланган ёки дастур фақат мажбурий фанлардан иборат бўлиши мумкин.

Лекин талаба юқори курсга кўтарилгани сари ўқув дастурида танлов фанлари учун ажратилган кредитлар миқдори кўпайиб бориши зарур. Бунинг сабабларини қуйидагича изоҳлаш мумкин. Талаба соҳага оид базавий фанларни ўзлаштиргандан сўнг унда соҳанинг муайян йўналиши бўйича чуқурроқ билим эгаллашга қизиқиш ва эҳтиёж пайдо бўлиши мумкин. Талаба курсдан-курсга ўтган сари у мутахассис сифатида шаклланиб бориб, унда ўзи учун ўзи танлов қилиш кўникмаси шаклланиб боради. Қолаверса, танлов ҳуқуқи талабаларни ўз қизиқишлари, келажакдаги фаолият йўналишлари ҳақида бош қотиришга ундайди.

Ва ниҳоят, кредит-модуль тизимида талабалар танлов фанини ўз факулътетидан бошқа факулътетларда ҳам олиш имкониятига эга бўлишлари керак. Ёдингизда бўлсин, айрим мутахассисликлар учун соҳалараро билимлар катта аҳамиятга эга бўлиши мумкин. Лекин бунда факультетнинг кредит-модуль тизимига тааллуқли қоидалари талаба қайси курсда қанча миқдоргача кредитларни бундай фанлардан жамғариши мумкинлигини белгилаб қўйиши керак. Масалан, факультет кредит-модуль қоидалари талаба 1-курсни тамомлагандан сўнг юқори курслар давомида максимум 12 кредитни бошқа факультетларда олинган фанлар ҳисобига





жамғариши мумкинлигини белгилаб қўйиши мумкин. Лекин бунга одатда деканнинг рухсати билан йўл қўйилади.

Талаба танловни танлов фанлари рўйхатидан ўз хоҳишига кўра амалга ошириши мумкин, лекин у барибир дастур сўнгига қадар белгиланган миқдордаги кредитларни танлов фанлари ҳисобига жамғариши зарур.

### D) ПРОГРЕССИЯ ҚОИДАЛАРИ

Бизга маълумки, университетда ўтиладиган кўпгина фанлар ва модуллар бир-бирига боғлиқ, бир соҳага тегишли бўлсада, улар ўз мураккаблик даражасига кўра (complexity level) бир-биридан фарқланиши мумкин. Фанлар ўз ***даражаларига кўра*** қуйидаги тоифаларга бўлиниши мумкин:

– *Бошланғич даражадаги фанлар (Basic level courses);*
– *Ўрта даражадаги фанлар (Intermediate level courses);*
– *Юқори даражадаги фанлар (Advanced level courses);*
– *Махсус даражадаги фанлар (Special level courses).*

Фанлар одатда шу тарзда ўз даражасига қараб ОТТ ўқув дастурларида изчиллик асосида жойлаштирилади ва ўқитиб борилади. Талаба семестрдан-семестрга, курсдан-курсга ўтгани сайин, дастурдаги фанлар ўз даражасига кўра мураккаблашиб, махсуслашиб боради. Бунда бир фанни ўрганиш талабадан аввал ўша фанни тушунишга ҳизмат қилувчи бошқа фанни ўзлаштиришни тақозо қилиши мумкин. Масалан, талаба ўқиши давомида иқтисодиёт фанининг бир нечта даражаларини ўрганиши мумкин: Иқтисодиёт асослари (Foundations of Economics), Иқтисодиёт II (Intermediate Economics), Иқтисодиёт III (Advanced Economics), Макроиқтисодиёт (Macroeconomics), Микроиқтисодиёт (Microeconomics). Одатда талаба Макроиқтисодиёт фанини яхшироқ тушуниши учун у аввал Иқтисодиёт асослари фанини ўзлаштириш талаб этилиши мумкин. Буни ғарб университетларида «course prerequisite» деб аташади, яъни талаба Иқтисодиёт асослари фанини бошлаши учун аввал Макроиқтисодиёт фанини тугаллаши керак бўлади. Бундан

ташқари ОТТлар кредит-модуль тизимига ўтгандан сўнг уларнинг ўқув дастурига жуда кўп танлов фанлари ҳам кириб келади. Бунинг натижасида ўқув дастурда фанлар ўз ***турларига кўра*** мажбурий ва танлов фанларига ажрайди.

Муаммо шундаки, ўқув дастуридаги фанларнинг бу жиҳатларини (фанларнинг даражаларини, изчиллигини, бир фаннинг бошқа фан билан боғлиқлигини, турларини) шунчаки, фанларнинг номларига қараб тушуниш қийин. Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимининг асосий тамойилларидан бири бу таълимни шаффоф тарзда ташкил этишдир. Шундай экан, ўқув дастуридаги фанларнинг бундай изчиллигини, бир фаннинг бошқа фан билан боғлиқлиги турлари тўғрисидаги маълумотларни талабаларга қандай қилиб шаффоф ва қулай усулда етказиш мумкин?

ECTS кредит-модул тизимида бу мақсадларга фанларни мантиқий равишда кодлаштириш орқали эришишга ҳаракат қилинади. Бунда фанларнинг ўз даражаси ва у ҳақдаги бошқа маълумотларни ифода этувчи белги (level descriptor) ва фаннинг турини билдирувчи белги (Type descriptor) кодларни жорий этиб, уларни таснифлаб чиқилади. Фанларнинг даражасига кўра уларни ***100, 200, 300, 400 ва ҳоказо даражадаги фанлар***га ажратиб шу асосда уларнинг кодларини яратиш мумкин. Фан кодида уни мажбурий ёки танлов фани эканлигини билдирувчи бирор-бир белгини кўрсатиш ҳам талаба учун жуда фойдалидир (масалан фан кодида мажбурий фанлар учун М (мажбурий), танлов фанлари учун Т (танлов). Бундан ташқари фанга ажратилган кредитлар миқдорининг ҳам фан кодида акс этиши талабалар учун тезкор усулда маълумот етказишга хизмат қилади.

Масалан, Жиноят Ҳуқуқи ва Фуқаролик Ишларини Судда Кўриш фанларини қуйидагича кодлаш мумкин: ***Жиноят Ҳуқуқи – ЖИНҲМ 2006, Фуқаролик Ишларини Судда Кўриш – ФИСКТ 4006.*** Бунда дастлабки тўртта ҳарф фаннинг ўзига хос коди, кейинги «М» ёки «Т» ҳарфлари фанларнинг турлари, 200 ва 400 рақамлари фанларни даражасини англатади, охирги 6 рақами эса ушбу фанларга ажратилган кредитлар сонини англатади.

Қарабсизки, юқоридаги мисолда талаба фаннинг кодига қараб туриб, тезкор ва қулай тарзда ўзига керакли бўлган учта маълумотни олиши мумкин: 1) фаннинг даражаси ҳақидаги маълумот, 2) фанни мажбурий ёки танлов фани эканлиги ҳақидаги маълумот, 3) фанга ажратилган кредитлар миқдори тўғрисидаги маълумот.

Фанларнинг бу тарзда кодлаштирилиши, ўқув дастурини бошқаришни, фанларни рўйхатга олиш электрон тизимини бошқаришни ҳам осонлаштиради. Ва ниҳоят, ОТТ ўқув дастуридаги фанларнинг бу тарзда кодлаштириш қоидалари, коддаги ҳар бир элемент маъноси ўқитувчи ва талабаларга ўқув йилининг дастлабки кунларида етказилиши зарурдир.

### Е) ФАН ДАСТУРИ

ECTS тизимида ўқув дастуридаги ҳар бир фанни ўқитишга ҳозирланаётган ўқитувчи даставвал ўзининг фан дастури «syllabus»ига эга бўлиши тавсия этилади. Фан дастури бу фаннинг «йўл харитаси» бўлиб, у талабага фан ҳақидаги энг муҳим маълумотларни беради. Фан дастури шакли ва таркиби турлича бўлиши мумкин, лекин у энг камида қуйидаги масалаларни ўзида қамраб олиши керак:

Фан дастурини ишлаб чиқиш учун ўқитувчи ўзига асосан қуйидаги саволларни бериши ва уларнинг жавобларини қоғозга туширишининг ўзи кифоя қилади:

**1.** ***Мен талабаларга ўргатмоқчи бўлган фан қисқача айтганда нималар ҳақида?*** (Бу савол жавоби ўқув дастурининг фан тавсифи қисмини шакллантиришда ёрдам беради. Фан тавсифи одатда 1-2

хатбоши, 60-70 сўзлардан иборат бўлган ёзма баёнотдир. У аниқ ва тушуниш осон бўлган тилда ёзилади).

**2. *Фан натижасида талабалар қандай билим ва кўникмаларга эга бўлишини хоҳлайман ва бунинг натижаси ўлароқ талабалар ўзларининг ижтимоий ва касбий фаолиятларида нималарни қила олади?*** (Бу саволларнинг жавоби ўқитувчига фаннинг ўқиш натижаларини (фан мақсадларини) ишлаб чиқишга ёрдам қилади. Ўқитувчи бунда ўз жавобларини қисқача рўйхат шаклида шакллантиради. Ўқитувчи юқоридаги савол орқали ўқиш натижаларини аниқлаб олгандан сўнг семестр давомидаги барча ҳаракатларини мана шу мақсадларга эришишга қаратади).

**3. *Талабалар юқорида кўзланган ўқиш натижаларига эришиши учун нимани қанча миқдорда ўрганиши керак?*** (Бу саволнинг жавоблари ёрдамида ўқитувчи мавзулар рўйхати ва фойдаланиладиган адабиётлар рўйхатини, кредитлар миқдорини белгилаши мумкин. Бу рўйхатни фан дастури орқали талабага олдиндан берилиши уларни мавзулар бўйича олдиндан тайёрланиб боришларига ҳам ёрдам беради).

**4. *Талабалар юқорида кўзланган мақсадларга эришган ёки йўқлигини қандай усул ва мезонлар асосида текшириш мақсадга мувофиқ бўлади?*** (Бу саволнинг жавоблари ўқитувчига фан бўйича имтиҳон усули ва мезонларини танлашга ёрдам беради).





***Фаннинг (а) ўқиш натижалари, (б) ўқиш юкламалари ва (с) фан бўйича синов ва имтиҳонлар орасида мутаносиблик бўлиши жуда муҳим масала.*** Кредит-модуль тизимининг бу уч элементи орасида мутаносибликни таъминлашдан кўзланган мақсад жуда оддий: ўқитувчи маълум ўқиш натижаларини белгилаган ҳолда талабаларга шу натижаларга эришишга қаратилмаган бошқа мавзу, машғулотларни ўргатиши тўғри эмас. Ёки талабаларга муайян бир мавзуларни ўргатмаган ҳолда, уларни ушбу мавзулар бўйича синов ва имтиҳон қилишга ҳам ҳақли эмас. Ундан ташқари, ўтказиладиган синов ва имтиҳонлар тури ва моҳияти кўзланган ўқиш натижаларига мос келиши керак.

Масалан, ўқитувчи фаннинг ўқиш натижалари сифатида соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш, жамоада ишлаш, тақдимот қилиш каби кўникмаларни қайд этган ҳолда, семестр давомида дарсларни фақат маъруза шаклида ўтказса ва семестр сўнгида талабаларни фақат тест шаклида имтиҳон қилса, бунда ўқиш натижалари, ўқиш юкламалари ва имтиҳон тури ўртасидаги номутаносибликни кузатиш мумкин. Чунки, талабада соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмаси маъруза ёки семинар шаклидаги дарсларда шаклланмайди. Талабаларда соҳавий муаммоларни таҳлил қилиш кўникмасини шакллантириш учун ўқитувчи улар билан мунтазам шундай турдаги машғулотларни ўтказиши зарур. Қолаверса, талабаларни жамоада ишлаш, тақдимот қилиш кўникмаларини эгаллаган эгалламаганлигини уни «тест» усулидаги имтиҳон орқали аниқлаб



бўлмайди. Бунинг учун ўқитувчи талабаларни турли хил жамоавий лойиҳаларга жалб қилиши, улар билан жамоавий машғулотлар бажариши керак бўлади.

Таълим соҳасидаги сўнгги изланишлар таълимнинг энг муҳим элементи бу қўлга киритилган билимни қўллай олиш маҳорати эканлигини исботламоқда. Бу изланишлар натижаси ўқитувчи дарс вақтидан унумлироқ фойдаланишга, дарс жараёнини маъруза шаклида эмас балки ўрганишнинг фаол усулларидан фойдаланган ҳолда ўтказишларига чорлайди. Қолаверса, талаба билимини қўллаш имкониятига эга бўлмаса, уни тез кунларда унутади.

Бошқача айтганда ўқитувчи олдиндан тақдим қилса талабалар уйда ўқиб келиши мумкин бўлган материални ёки аллақачон талабаларнинг қўлида мавжуд бўлган китобдаги матнни уларга дарсда яна ўқиб ёки айтиб бериш қай даражада самарали? Ундан кўра ўқитувчи талабаларга ушбу материални уйда ўқиб келиш учун бериб, дарс вақтини ушбу материал бўйича муҳокамаларга ёки талабалар материалда ўрганган билимларини реал ҳаётдан олинган муаммога қўллашга сарфласа, талабанинг аудитория вақти самаралироқ ўтмайдими? Бундан ташқари ўқитувчи аудитория вақтини «кейс стадий» (case study) машғулотларга сарфлаши мумкин. Таълим беришнинг айнан шу усуллари талабада мустақил ўқиш, танқидий фикрлаш, ўз билимларини муаммоларга қўллаш, мунозарага кириш, жамоада ишлаш каби кўникмаларни шаклланиши мумкин.

### F) МАЪЛУМОТЛАРНИ ТАЛАБАЛАРГА ЕТКАЗИШ

ECTS кредит-модуль тизимининг асосий талабларидан яна бири бу ОТТлар юқорида келтирилган барча маълумотларни (дастури каталоги, фан дастурлари) ва талабалар учун муҳим бўлган барча маълумотларни талабаларга тўлиқ ва тушунадиган тилда тақдим этишдир. Бу каби маълумотларни ўзида акс эттирадиган энг асосий материаллардан бири бу дастур каталоги (китобчаси) ҳисобланади. Бунда ОТТ ўзининг ҳар бир ўқув дастури бўйича дастур каталогини, яъни китобчасини ишлаб чиқиб, уларни бўлғуси ва амалдаги





талабаларга тақдим этади. Дастур каталогини талабаларнинг «йўл харитаси» десак тўғри бўдади. У талабаларга уларни ўқув дастур давомида нималар кутаётганлиги, дастур шарт-шароитлари ҳақида асосий маълумотларни беради.

ECTS кредит-модуль тизими дастур каталогида қуйидаги маълумотлар бўлишини тавсия қилади:

| ДАСТУР КАТАЛОГИ (ТАВСИЯВИЙ) |
|---|
| **1. Умумий маълумотлар:** |
| – ОТТ номи ва манзили;<br>– ОТТ ҳақида қисқача маълумот;<br>– ОТТ раҳбарияти;<br>– ОТТ академик тақвими (календарь);<br>– ОТТ дастурлар рўйхати;<br>– ОТТга талабаларни қабул қилиш талаблари, уларнинг рўйхатдан ўтиш тартиби;<br>– Талабалар алмашинуви доирасида олинган кредитларни эътироф этиш тартиби;<br>– ECTS кредитлар тақсимоти тамойиллари (қоидалари);<br>– Академик маслаҳат олиш имконият ва тартиблари.<br>– ECTS кредит-модуль тизими дастур каталогида қуйидаги маълумотлар бўлиши тавсия қилинади: |
| **2. Университет ресурс ва хизматлари** |
| – Талабалар масалалари тузилмаси;<br>– Ётоқхона имкониятлари;<br>– Озиқ-овқат сотиб олиш жойлари;<br>– Яшаш харажатлари миқдори;<br>– Талабаларни молиявий қўллаб-қувватлаш имкониятлари;<br>– Тиббиёт хизматлари;<br>– Суғурта имкониятлари;<br>– Ногирон ва махсус эҳтиёжли талабалар учун хизматлари; |

- Халқаро талабалар алмашинуви имкониятлари;
- Тил курслари;
- Ишга жойлаштириш имкониятлари;
- Спорт ва ҳордиқ чиқариш жойлари;
- Талабалар ассоциациялари.

**3. Дастур тўғрисида маълумотлар:**

- Қўлга киритиладиган малака;
- Дастур давомийлиги муддати;
- Талаб этиладиган кредитлар сони;
- Эришиладиган таълим даражаси;
- Алоҳида қабул талаблари;
- Аввал қўлга киритилган таълимни эътироф этиш бўйича қоидалар;
- Малака талаблари, қоидалари ва битириш талаблари;
- Дастури профили;
- Дастурнинг ўқиш натижалари;
- Дастур тузилмаси диаграмма шаклида (кредитлар билан);
- Ўқиш шакли (кундузги, сиртқи, кечки);
- Имтиҳон қоидалари ва баҳолаш бирликлари;
- Мажбурий ёки ихтиёрий талабалар алмашинуви дастурлари;
- Амалиёт талаблари;
- Ишлаб чиқариш амалиётлари;
- Дастур учун масъул шахс;
- Битирувчиларнинг касбий профиллари;
- Навбатдаги таълим имкониятлари;

**4. Алоҳида фанлар ва ўқиш элементлари тўғрисида маълумотлар**

- Модуль коди
- Модуль номи;
- Модуль тури (мажбурий, танлов);





- Модульнинг қайси курсда ўқилиши;
- Модульнинг қайси семестрда ўқилиши;
- Модульга тақсимланган кредитлар сони;
- Ўқитувчи исми-шарифи;
- Модуль ўқиш натижалари;
- Модуль бўйича дарсларни ташкил этиш услуби (аудитория, онлайн);
- Фанга рўйхатдан ўтиш шартлари;
- Модуль моҳияти;
- Тавсия ва талаб этиладиган ўқиш материаллари;
- Режалаштирилган ўқув машғулотлари ва ўқитиш услублари;
- Баҳолаш мезонлари ва услублари;
- Дарслар ўтиладиган тил.

Дастур каталоги ОТТда ўқув йили бошланишидан анча аввал ишлаб чиқилади ва барча манфаатдор томонлар ўқиши ва юклаб олиши қулай бўлиши учун ОТТ веб саҳифасида жойлаштирилади. Уни ўқув йили бошланишидан аввалроқ чоп этишдан кўзланган яна бир мақсад бу бўлғуси талабаларга ўз танлов ҳуқуқларини амалга оширишда уларга ёрдам бериш. Дастур каталоги ОТТ учун ўз дастурларини маркетинг қилиш воситаси ҳамдир. Шунинг учун ундаги маълумотлар ҳақиқатга тўғри келиши муҳим.

### G) АКАДЕМИК МАСЛАҲАТЧИ

Аксарият ёшлар учун талабалик бу бутунлай янги тажриба. Университет ҳаёти, ўқиш қоидалари, талабалик масъулияти ва эркинлик даражаси мактабдагидан кўра тубдан фарқ қилади. Кимдир университет ҳаёти ва қоидаларига осонлик билан мослашса, кимдадир бу жараён қийин кечади.

Кредит-модуль тизимида талабалар университет қоидалардан тўла хабардор бўлишлари, ўз имкониятларидан тўғри фойданалишларига ёрдам қилиш мақсадида ОТТда, имкон қадар унинг факуль-

тети даражасида академик маслаҳатчи вазифаси ташкил этилиши мақсадга мувофиқ. Академик маслаҳатчининг вазифалари асосан қуйидагилардан иборат:

- Ўқув дастури билан боғлиқ бўлган қоидаларни талабалар орасида тарғиб қилиш;
- Талабаларнинг қобилияти, имконияти, режаларидан келиб чиққан ҳолда уларга ўз ўқув дастури ва жадвалини шакллантириш юзасидан маслаҳатлар бериш;
- Талабаларнинг ўз шахсий, молиявий ва тиббий ҳолатларини бошқариш бўйича маслаҳатлар бериш, ОТТда мавжуд ресурслар ҳақида талабага билдириш;

Қисқача айтганда академик маслаҳатчи ёшларни ўқувчиликдан талабаликка ўтиш даврида ва талабаликда келажакни режалаштириш бўйича «кўприк» вазифасини ўтайди. У талабаларга университет қоидалари, у ердаги хизматлар, ўқув дастури, фанлар танлови, молиявий ёрдам дастурлари, амалиёт дастурлари ҳақида маълумотларни оммавий ва индивидуал тарзда етказиб боради.

## 6. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШ

### А) БАҲОЛАШ БЎЙИЧА АСОСИЙ ҚОИДАЛАР

Талабаларни баҳолаш бу таълим жараёнининг муҳим элементларидан биридир. У талабанинг фан дастурида белгиланган ўқиш натижаларига эришган эришмаганлиги, агар талаба ўқиш натижаларига эришган бўлса уларнинг эришилганлик даражасини ўзида акс эттиради. Қолаверса, баҳолаш талабанинг ўз мутахассислигига, кейинги босқичдаги ўқишларга, молиявий мукофотларга қай даражада муносиблигини ҳам аниқлашда фойдаланилади. Қолаверса иш берувчилар ҳам битирувчининг баҳоларига қараб унга иш таклиф қилиш ёки қилмаслик тўғрисида қарорга келишда фойдаланадилар. Буларнинг барчаси талабаларнинг баҳолаш тизими мақсадли холис, мукаммал ва шаффоф тарзда амалга оширилишини тақозо этади.





**ECTS кредит-модуль тизимида талабаларни баҳолаш масалаларини 3 тоифага бўлиш мумкин:**

**1) *Баҳолаш шкаласини/тизимини танлаш.*** ОТТлар айнан қайси баҳолаш шкаласидан ёки тизимидан фойдаланмоқчи эканлигини олдиндан белгилаб олиши зарур.

**2) *Баҳолар тақсимоти жадвали.*** ОТТлар баҳолаш тизимини танлаш билан бир қаторда мунтазам равишда баҳолар тақсимоти жадвалини ишлаб чиқиш, уни янгилаб бориш ва уни талабаларнинг диплом иловасида акс эттириши зарур.

**3) *Grade Point Average/Ўртача баҳолаш балли.*** ОТТлар ҳар семестр, ўқув йили ва ўқиш якуни бўйича талабанинг «Grade Point Average» (GPA)» сини ишлаб чиқиши керак. Қуйида ушбу баҳолаш масалаларининг ҳар бирига алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Баҳолаш тизими, услуби ва одатлари одатда давлатдан-давлатга фарқ қилади. Айрим давлатларда баҳолаш рақамларда акс этса (5, 4, 3, 2), бошқаларида ҳарфларда акс этади(A, B, C, D, E, F). Баҳолар ҳарфларда акс эттирилган давлатларнинг айримларида баҳоларга қўшимча тарзда «+» ёки «–» белгилари ҳам қўшилиши мумкин. (масалан A+). Қолаверса ҳар бир университет, факультет ёки ўқитувчининг ўз баҳолаш тартиби (одати) мавжуд. Яъни айрим ўқитувчилар баҳолашга анча саҳийлик билан ёндашса, айрим ўқитувчилар унга анча қаттиққўллик билан ёндашади. Баҳолаш услубидаги бу фарқлар талабалар ўртасидаги рақобат муҳитига, баҳоларни бошқа давлатларда ёки ОТТларда тан олинишига ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмайди. ***Шунинг учун ECTS кредит-модуль тизими талабаларни баҳолаш тизими маълум минимум меъёрларга амал қилган ҳолда, шаффоф тарзда амалга оширилишига алоҳида урғу беради.***

ECTS тизимида баҳолаш тизими қоидалари асосан икки босқичда шаклланган: 1) ECTSнинг 2009 йилгача бўлган даврдаги баҳолаш тизими қоидалари; 2) ECTSнинг 2009 йилдан кейинги даврдаги яъни амалдаги баҳолаш қоидалари. Қуйида улар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтамиз.

### 2009 ЙИЛГАЧА БЎЛГАН ДАВРДАГИ БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИ

**Баҳолаш шкаласи.** 2009 йилгача бўлган даврда ECTS кредит-модуль тизими ўзининг талабаларни баҳолаш жадвалига, яъни шкаласига эга бўлган. Ушбу баҳолаш стандарти 7 та ҳарфли баҳолардан (шкаладан) иборат бўлиб, уларнинг 5 таси ижобий (мусбат), 2 таси эса салбий (манфий) баҳолар эди. ECTS кредит-модуль тизими баҳолаш стандарти қуйидаги жадвалда акс эттирилган:

| Баҳолар | Тавсифлар |
|---|---|
| A | Юқори даражадаги хатосиз натижа |
| B | Юқори натижа, лекин айрим кичик хатолар мавжуд |
| C | Яхши натижа, лекин айрим хатолар мавжуд |
| D | Яхши натижа, лекин айрим салмоқли хатолар мавжуд |
| E | Натижа минимум талабга жавоб беради |
| FX | Йиқилиш – кредит тақдим этилиши учун бироз ўқиш зарур |
| F | Йиқилиш – кредит тақдим этилиши учун анча ўқиш зарур |

Ушбу баҳолаш стандарти турли давлатлардаги ОТТлар баҳолаш амалиётини стандартлаштириш мақсадида ишлаб чиқилган. Кўриб турганингиздек, ушбу тизим баҳолар стандарти мамлакатимиз ОТТлар амалиётидаги баҳолар стандартига кўра баҳолар хилмахиллиги (diversity) билан анча кенгдир. Масалан, ECTS амалиётида 7 та баҳо турлари (A, B, C, D, E, FX, F) мавжуд бўлса, мамлакатимиз ОТТлар амалиётида бор йўғи 4 та баҳо турлари (5, 4, 3, 2) мавжуд. Яъни, ECTS кредит модуль тизими баҳолаш амалиётида баҳолар нисбатан кўплиги туфайли улар талабаларнинг билим ва салоҳиятларидаги фарқларини анча мукаммал тарзда акс эттира олади.





Ундан ташқари, ECTS баҳолаш стандартида баҳолар икки гуруҳга ажратилган: ўтиш баҳолари (A, B, C, D, E) ва йиқилиш баҳолари (FX, F). Юқоридаги жадвалда бу қизил чизиқ билан ажратилган. Бунда, ҳатто йиқилиш (манфий) баҳонинг ҳам икки тури мавжуд: FX ва F. Йиқилиш баҳоларининг ҳам бу тарзда йиккига ажратилиши фандан йиқилган талабаларга уларнинг билим даражаси ва ҳолати ҳақида тўлиқроқ маълумот бериш имкониятини яратади. Яъни ECTS баҳолаш тизими имтиҳон ёки машғулотдан йиқилишнинг ҳам жиддийлигига қараб турли даражалари мавжудлигини англатади. Бу имтиҳондан йиқилган талабалар учун анча фойдали маълумотдир.

Қатъий баҳолар тақсимоти жадвали. 2009 йилгача бўлган даврда амал қилган ECTS кредит-модуль тизими қоидалари ОТТларга «қатъий баҳолар тақсимоти жадвали» ни (QBTJ) тайёрлашни ҳам тавсия қилган. Унга кўра фандан ижобий баҳо олган талабаларнинг фақат муайян қисми муайян баҳони олиши мумкинлиги олдиндан белгилаб қўйилган. Бунда:

- *Энг юқори натижа кўрсата олган 10% талабалар A баҳоси;*
- *Кейинги 25% талабалар B баҳоси;*
- *Кейинги 30% талабалар C баҳоси;*
- *Кейинги 25% талабалар D баҳоси;*
- *Кейинги 10% талабалар E баҳосини олиш мумкин бўлган.*

Бу қоидани диаграмма тарзида қуйидагича акс эттириш мумкин:



Кузатганингиздек, қатъий баҳолар тақсимоти жадвалига кўра муайян фанни олаётган талабаларнинг айнан неча фоизи қандай баҳоларни қўлга киритиши мумкинлиги олдиндан белгилаб қўйилган. Бу қоидага кўра ўқитувчилар ҳам талабаларни баҳолашдаги бу белгилаб қўйилган фоизлардан четга чиқа олмайди. Яъни ўқитувчи фанни олаётган талабаларнинг ўзи ҳоҳлаган қисмига ўзи ҳоҳлаган баҳосини қўя олмайди; ҳар бир баҳони олувчи талабалар фоизи олдиндан белгиланган. Бундай тақсимотдан кўзланган асосий мақсад – ОТТларда баҳолаш амалиётини стандартлаштириш, баҳолар инфляциясини (баҳолар ноўрин қадрсизланиши) ва дефляциясини (баҳолар нўорин қадрланиши) олдини олишдир.

Тасаввур қилинг, 100 нафар талабалардан иборат бир курс икки гуруҳга ажратилган ҳолда (50 нафардан) муайян фан бўйича дарс олмоқда. Фан иккала гуруҳ талабалари учун ҳам бир хил, лекин ушбу фан бўйича ҳар бир гуруҳга бошқа-бошқа ўқитувчилар дарс ўтмоқда. Семестр сўнгида биринчи гуруҳ талабаларининг 30% 5 баҳо, иккинчи гуруҳ талабаларининг 10% 5 баҳо олдилар. Гуруҳлардаги 5 баҳо олган талабалар фоизи ўртасидаги фарқ дарсларни бошқа-бошқа ўқитувчилар ўтаётганлиги, ўқитувчиларнинг дарс ўтиши сифати турлича бўлганлиги туфайли ҳам бўлиши мумкин. Лекин баҳолашдаги бу фарқлар бир ўқитувчининг бошқасига нисбатан бироз сахийлиги ёки қаттиққўллиги туфайли ҳам бўлиши мумкин.

ECTS тизими юқоридаги қоида орқали бу каби субъектив факторларни талабалар баҳосига таъсир қилишини олдини олишга ҳаракат қилади. Яъни унга кўра ҳар иккала гуруҳда ҳам тенг фоиздаги талабалар 5 баҳосини олиши мумкин. Назарий жиҳатдан, гуруҳдаги талабаларнинг ҳаммаси аъло баҳога муносиб бўлиши мумкин эмас ёки уларнинг ҳаммаси қониқарли баҳо олиши ҳам мумкин эмас. Ҳаётда кўп нарсалар нисбий, шу жумладан баҳолар ҳам. Яъни ҳар қандай гуруҳда аъло, ўртача ва ўзлаштириши паст бўлган талабалар мавжуд бўлиб муайян талабанинг айнан қайси баҳони олиши кўпинча унинг гуруҳдаги бошқа талабаларга нисбатан билимига боғлиқ. ECTSнинг юқоридаги қоидаси ушбу факторларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилган.





## АМАЛДАГИ (2009 ЙИЛДАН КЕЙИНГИ) БАҲОЛАШ ТИЗИМИ ҚОИДАЛАРИ

Айрим Европа давлатлари ўзларининг кўп йиллик анъанавий баҳолаш тизимларидан воз кечиб ECTSнинг юқоридаги баҳолар шкаласини қабул қилишни хоҳламадилар. Бундай ҳолатда қатъий белгилаб қўйилган баҳолар тақсимоти жадвалини ҳам жорий қилиш қийин эди. Чунки, ижобий баҳолар миқдори 5 тадан кам бўлган баҳолаш тизимларига (яъни мамлакатимиз баҳолаш тизимимиз каби тизимларга) юқоридаги баҳолар тақсимоти жадвали қоидаларини қўллаш имконияти йўқ эди.

Ва ниҳоят 2009 йилга келиб ECTS кредит-модуль тизими баҳолашнинг анча соддалаштирилган тизимни ишлаб чиқди. Хўш, ECTSнинг янги баҳолаш қоидалари нималардан иборат? Бу қоидаларга кўра ECTS тизимига ўтаётган ҳар бир давлат ёки ОТТ ўзига мақул баҳолаш тизимини сақлаб қолиш ҳуқуқига эга бўлади. Яъни улар юқоридаги ECTS баҳолаш шкаласини ва баҳолар тақсимоти жадвалини қабул қилишлари шарт эмас. Энг муҳими – ОТТлар қабул қилган баҳолаш тизими ва амалиёти шаффоф бўлишидир. Бундан кўзланган асосий мақсад бу бошқа таълим ташкилотлари мазкур ОТТдаги баҳолаш тизимини ва маданиятини тушуна олиши ва ўз баҳолаш тизимига қиёслаш имкониятига эга бўлишидир.

Баҳолаш тизими ва амалиётини ECTS кредит-модуль тизими талаби даражасида шаффоф бўлиши учун ОТТлар қандай ишларни амалга ошириши керак бўлади? Унга кўра ECTC кредит-модуль тизимида фаолият юритадиган ҳар бир ОТТ ўзларига маъқул баҳолаш тизимини қўллаган ҳолда, талабанинг диплом иловасида унинг муайян фанлардан олган баҳоларини кўрсатиш билан бирга мазкур дастурдаги ёки курсдаги барча талабаларнинг айнан неча фоизи қайси баҳоларни қўлга киритганлиги тўғрисидаги статистик маълумотни «баҳолар тақсимоти жадвали» тарзида ҳам акс эттиришлари талаб этилади. Буни қуйида мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Тасаввур қилинг, мамлакатимиздаги Иқтисодиёт Университети иқтисодиёт факультети 1-курсида 200 нафар талабалар таҳсил

олишади. ОТТ амалдаги 5 дан 2 гача бўлган баҳолаш тизимидан фойдаланади, яъни 5 бу аъло баҳо, 2 эса қониқарсиз баҳо. Ўтиш баҳоси 3 ва ундан юқори. Талабаларнинг барчаси Иқтисодиёт асослари фанидан имтиҳон топшириб, фан бўйича қуйидаги якуний умумий кўрсаткичларни қайд этдилар:

- *30 та талаба 5 баҳо олди;*
- *120 та талаба 4 баҳо олди;*
- *40 та талаба 3 баҳо олди;*
- *10 та талаба 2 баҳо олди.*

Амалдаги баҳолаш тизимига кўра ҳар бир талаба олган баҳоси унинг диплом иловасида ўз аксини топади. Лекин ECTS кредит-модуль тизими бу билан чекланмайди. У талабанинг диплом иловасида «баҳолар тақсимоти жадвалини» ҳам яратишни тавсия этади. Баҳолар тақсимоти жадвалини яратиш икки босқичдан иборат:

**1 - б о с қ и ч и.** Бу босқич талаби жуда оддий. Фандан ўтган ва фандан йиқилган талабалар сони алоҳида ажратиб олинади. Яъни фандан ўтган талабалар сони 190 нафар, фандан йиқилган талабалар сони 10 нафар. Баҳолар тақсимоти жадвали учун фақат фандан ўтган талабалар сони эътиборга олинади.

**2 - б о с қ и ч и.** Бу босқичда фандан ижобий баҳолар (3, 4, 5) олган талабалар умумий сонидан айнан қанча фоизи қайси баҳони олганлиги аниқланади. Бунда, масалан талабаларнинг тахминан 16% 5 баҳо (30/190=15.7%), 63% 4 баҳо (120/190=63.1%), 21% 3 баҳони қўлга киритган (40/190=21%). Ҳисоб китоб натижалари баҳолар тақсимоти жадвалида қуйидаги ўз аксини топади:

| ОТМдаги баҳолаш тизими | Ўтиш баҳолари сони | Ҳар бир баҳонинг фоизи | Тўпланиб борувчи фоиз |
|---|---|---|---|
| 5 | 30 | 16% | 17% |
| 4 | 120 | 63% | 79% |
| 3 | 40 | 21% | 100% |
| **Жами** | **190** | **100%** | |





Биз ҳозир тепада бир фан доирасида, яъни Иқтисодиёт асослари фани бўйича баҳолар тақсимоти жадвалини яратдик. Яъни бу жуда мураккаб масала эмас. Уни одатда компьютер дастури амалга оширади. Лекин баҳолар тақсимоти жадвали стандарт шаклда шакллантирилиши жуда муҳим. Жадвалнинг стандарт элементлари юқорида кўрсатилган.

Ушбу баҳолар тақсимоти жадвали айнан неча фоиз талабалар айнан қайси баҳони олганлигини кўрсатиш орқали ўқитувчининг мазкур фан бўйича баҳолаш амалиёти ҳақида маълумот беради. Факультетнинг баҳолар тақсимоти жадвалини яратишда факультетда муайян давр мобайнида ўқитилган барча фанларнинг баҳолари шу тарзда умумлаштирилади ва фоизларга бўлинади. У факультетнинг ўша давр мобайнидаги баҳолаш амалиёти ҳақида тушуниб олиш имконини беради. Шунинг учун ECTS кредит-модуль тизими баҳолар тақсимоти жадвали ҳар бир талабанинг диплом иловасида талаба қўлга киритган баҳолар билан бирга акс этишини тавсия этади.

Юқоридаги мисолда биз тушунтириш осон бўлиши учун баҳолар тақсимоти жадвалини фақат бир фан доирасида яратиб кўрсатишга ҳаракат қилдик. Лекин амалда баҳолар тақсимоти жадвали муайян курсдаги барча фанларда олинган баҳоларни умумлаштирган ҳолда ҳар 3 йилда камида бир маротаба яратилиши зарур. Яратилган баҳолар тақсимоти жадвали эса ўша давр мобайнида ОТТни битирган ҳар бир талабанинг диплом иловасида акс эттирилади (яъни Гронинген Университетининг юқоридаги баҳолар тақсимоти жадвали каби). Баҳолар тақсимоти жадвалини яратиш учун уни ҳисоблаш бироз мураккаб ва чалкашдек кўриниши мумкин, лекин бу таъқсимот компьютер дастури орқали автоматик тарзда амалга оширилади. Энг муҳими, баҳолар тўғрисида маълумотларнинг мавжудлиги ва улар компьютер дастурига киритилишидир.

## БАҲОЛАР КОНВЕРТАЦИЯСИ

Баҳолар тақсимоти жадвали бир ОТТ бошқа ОТТ даги баҳолаш амалиёти ҳақида тушунчага эга бўлишига ёрдам беради. Бундан кўзланган асосий мақсад бу талабалар алмашлаш дастурлари доирасида баҳоларни бир баҳолаш тизимидан иккинчисига конвертация қилишни осонлаштириш ва буни адолатли тарзда амалга оширишга эришишдир. Бу масалани қуйида мисол билан тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

Тасаввур қилинг Иқтисодиёт Университети талабаси Мадина 3-курс бошида талабалар алмашлаш дастури бўйича бир йил муддатга Голландиянинг Гронинген Университетига жўнаб кетди. Яъни, у 3-курсни Гронинген Университетида ўқиб қайтди. Мадина Иқтисодиёт Университетига қайтгандан сўнг унинг Гронинген Университетида ўқиган фанлар бўйича олган баҳоларини Иқтисодиёт Университети баҳолаш тизимига конвертация қилиш зарурати туғилади. Гронинген Университети баҳолаш тизими 1 дан 10 гача бўлган 10 та баҳолаш шкаласидан иборат бўлиб ўтиш баҳоси 6, энг юқори баҳо 10. 1 дан 5 гача бўлган баҳолар бу йиқилиш баҳоларидир. Тасаввур қилинг, Мадина Гронинген Университетида Макроиқтисодиёт фанини ўқиди ва ундан 8 баҳосини қўлга киритди. Ушбу баҳо Иқтисодиёт Университетида қайси баҳога конвертация қилинади?

Буни амалга ошириш учун бизга Гронинген Университети ва Иқтисодиёт Университетининг баҳолар тақсимоти жадваллари керак бўлади. Гронинген Университети баҳолар тақсимоти жадвали қуйидаги деб тасаввур қилайлик:

university of groningen

**DIPLOMA SUPPLEMENT**

**Dutch grading marks and percentages calculated over the past three years**
**For: *Bachelor of Arts in Geschiedenis***

| Dutch grade: | 6 | 7 | 8 | 9 | 10 |
|---|---|---|---|---|---|
| Percentage: | 40,3% | 36,4% | 18,8% | 4,3% | 0,2% |





Ушбу баҳолар тақсимоти жадвали Гронинген университетида ўтиш баҳолари сони 5 та эканлигини кўрсатмоқда (6, 7, 8, 9, 10). У яна Гронинген Университети ўқитувчилари баҳолашга анча қаттиқўллик билан ёндашишларидан дарак бермоқда. Чунки талабаларнинг бор йўғи 0.2% гина энг юқори 10 баҳосини, кейинги 4.3% эса 9 баҳосини, талабаларнинг 40.3% энг паст ўтиш баҳоси ҳисобланган 6 баҳосини олганлигини кўрсатмоқда. Иқтисодиёт Университети баҳолар тақсимоти жадвалини биз юқорида яратган баҳолар тақсимоти жадвали деб ҳисоблайлик, яъни:

| ОТМдаги баҳолаш тизими | Ўтиш баҳолари сони | Ҳар бир баҳонинг фоизи | Тўпланиб борувчи фоиз |
|---|---|---|---|
| 5 | 30 | 16% | 17% |
| 4 | 120 | 63% | 79% |
| 3 | 40 | 21% | 100% |
| **Жами** | **190** | **100%** | |

Энди, Мадинанинг Гронингенда олган баҳосини Иқтисодиёт Университети баҳолаш тизимига конвертация қилиш учун биз бу икки жадвални қиёслашимизга тўғри келади:



Бунда пушти, сариқ, зангор, кўк ранглардаги блоклар иккала университетлардаги баҳоларни англатади. Уларнинг ўлчамлари эса фоизда қанча талаба шу баҳоларни олганлигини англатади. Хўш, Мадинанинг Макроиқтисодиёт фанидан қўлга киритган 8 баҳоси Иқтисодиёт Университетида қайси баҳога конвертация қилинса тўғри бўлади? Кўриб турганингиздек, Гронинген Университети талабаларининг энг юқори 4.5% фоизи Иқтисодиёт Университети баҳолаш амалиётидаги 5 баҳосига тўғри келмоқда. Лекин 8 баҳоси фоиз нуқтаи назаридан 4 баҳога ҳам 5 баҳога ҳам тўғри келмоқда. Чунки унинг ярми 4 баҳога, ярми эса 5 баҳога тўғри келмоқда. Ушбу ҳолатда Мадинанинг баҳоси 4 баҳога конвертация қилиниши керакми ёки 5 баҳогами?

Шунинг учун ҳам мамлакатимиздаги баҳолаш тизими талабалар мобиллиги учун анча муаммолидир. Чунки ундаги баҳолар шкаласи етарли даражада хилма-хил эмас. Агар етарли даражада хилма-хил бўлганда, яъни 3, 4, 5 баҳо ўрнига ECTS баҳолаш тизими асосида ташкил этилган бўлганда баҳолар конвертацияси осонроқ амалга ошган бўлар эди. Шунинг учун мамлакатимиздаги баҳолаш тизимини такомиллаштирмасдан туриб (яъни баҳолар хилма-хиллигини кенгайтирмасдан), мамлакатимизда ECTSни қабул қилиниши талабаларнинг ҳалқаро мобиллигини яхшиланишига хизмат қилади дейиш бироз муаммоли хулоса десак тўғри бўлади. Қолаверса, кредит-модуль тизимига ўтишнинг ҳозирги босқичида мамлакатимиздаги ОТТлар ECTSнинг баҳолаш бўйича асосий талаби ҳисобланган «баҳолар тақсимоти жадвалини» яратиш масаласига етарлича эътибор беришмаётгандек.

Юқоридаги муаммога ҳозирча ечими сифатида баҳолар конвертацияси қоидаларида бундай ҳолатда баҳоларнинг максимал ёки минимал чегараси олинишини олдиндан белгилаб қўйилиши мумкин. Яъни агар минимал чегара белгиланган бўлса, Мадинанинг баҳоси 4 баҳога, агар максимал чегара белгиланган бўлса, 5 баҳога конвертация қилинади.





### В) БАҲОЛАРНИНГ ЎРТАЧА ҚИЙМАТИ (GPA) ВА УНИ ҲИСОБЛАШ

Ривожланган давлатлар университетлари баҳолаш тизимларида «ГПА» деган тушунча мавжуд. Уни ўзбекчада «баҳоларнинг ўртача қиймати» деб таржима қилсак тўғри бўлади. Бу ерда биз унга ГПА деб мурожаат қилишда давом этамиз.

Талабанинг муайян фанда олган баҳосини бирор бир умумий мақсад учун мезон қилиб олиш бироз ноаниқликларга ва адолатсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Чунки талаба айрим фандан паст, айрим фандан эса жуда юқори баҳо олган, айрим фандан эса йиқилган бўлиши мумкин. Шунинг учун талабанинг муайян ўқиш даври мобайнида қўлга киритган баҳоларининг ўртача қийматини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади. GPA талабанинг муайян давр мобайнида ўрганган фанлари бўйича қўлга киритган баҳоларининг умумий ўртача қийматини чиқариб берувчи механизмдир. Умуман олганда GPA бу талабанинг ўқишдаги умумий муваффақият даражасини муайян фандан қўлга киритилган баҳодан кўра анча холис ва аниқроқ кўрсатиб бера олади.

Талабанинг GPA кўрсаткичи жуда кўп мақсадлар учун фойдаланилиши мумкин. GPA талабанинг курсдан-курсга ўтишга лойиқлигини, ҳар хил стипендия ва ўқиш мукофотларига муносиблигини, қолайверса унинг кейинги босқичдаги ўқишларга муносиблигини аниқлашда фойдаланилади. Ўз GPA ҳақида билиб туришнинг талаба учун яна бир аҳамиятли жойи шундаки, у талабага унинг қай даражада ўқиётганлиги ҳақида доимий равишда сигнал бериб туради. Агар талабанинг GPA тушиб кетса, бу талабани ўқишга янада жиддийроқ ёндашишга ундаши зарур.

**Хўш, талабанинг GPA қандай ҳисобланади?** ECTS кредит-модуль тизимида талабанинг GPA уч босқичда ҳисобланади:

**1) *Биринчи босқич:*** талабанинг белгиланган давр давомида ҳар бир модуль/фандан олган бали ўша фанга ажратилган кредитлар сонига кўпайтирилади ва юзага келган рақамларнинг барчаси қўшиб чиқилади.

**2) *Иккинчи босқич:*** талаба ўша давр мобайнида ўқиган ҳар бир фанга ажратилган кредитлар миқдори қўшиб чиқилади.

**3) *Учинчи босқич:*** биринчи босқичда аниқланган умумий рақамни иккинчи босқичда аниқланган кредитларнинг умумий миқдорига бўлинади. Натижа бу талабанинг ўша давр учун қўлга киритган ГПА кўрсаткич.

GPA ни ҳисоблаб чиқишни қисқача қилиб қуйидаги формулада тасвирлаш мумкин:

$$GPA = \frac{K_1 \cdot B_1 + K_2 \cdot B_2 _ K_n \cdot B_n _}{K_1 + K_2 _ K_n}$$

Бунда: $K$ – ҳар бир фан/модулга ажратилган кредитлар миқдори; $B$ – ҳар бир модул/фандан талаба қўлга киритган бали;

Энди, қуйида GPA ни аниқ мисол орқали ҳисоблаб кўрамиз. Тасаввур қилинг юқоридаги қаҳрамонимиз Мадина ҳозирда Иқтисодиёт Университети, Иқтисодиёт Факулътетида 2-курсда ўқимоқда. У 2-курсда 10 та фанни ўқиб қуйидаги баҳоларни қўлга киритди:

| Фанлар номи | Ажратилган кредит миқдори | Олинган баҳолар |
|---|---|---|
| Статистика | 6 кредит | 5 баҳо |
| Эконометрика | 6 кредит | 4 баҳо |
| Маркетинг | 6 кредит | 5 баҳо |
| Бизнесни бошқариш | 6 кредит | 4 баҳо |
| Рискларни бошқариш | 6 кредит | 3 баҳо |
| Молия сиёсати | 6 кредит | 4 баҳо |
| Микроиқтисодиёт | 6 кредит | 5 баҳо |
| Макроиқтисодиёт | 6 кредит | 4 баҳо |
| Корпоратив Молия | 6 кредит | 2 баҳо |
| Рақамли иқтисодиёт | 6 кредит | 4 баҳо |

Мадинанинг ушбу кўрсаткичларига нисбатан юқоридаги формулага солсак, унинг GPA қуйидагича эканлигини аниқлаймиз:





$$3.8 = \frac{30 + 24 + 30 + 24 + 18 + 24 + 30 + 24 + 0 + 24}{6 + 6 + 6 + 6 + 6 + 6 + 6 + 6 + 6 + 6}$$

Ушбу ҳисоб-китобни қуйида соддароқ тилда, босқичма-босқич тушунтиришга ҳаракат қиламиз.

**1-босқич *(кредитларни баҳоларга қўпайтириш)***. Юқорида айтиб ўтганимиздек, биринчи босқичда Мадинанинг белгиланган давр давомида ҳар бир модуль/фандан қўлга киритган ўтиш баҳоси ўша фанга ажратилган кредитлар сонига кўпайтирилади ва юзага келган рақамларнинг барчаси қўшиб чиқилади. Шуни таъкидлаш керакки, талабанинг қониқарсиз баҳоси учун унга кредит берилмайди. Кредит талаба фақат қониқарли ва ундан юқори баҳоларни олгандагина берилади. Юқорида кузатганимиздек, Мадина Корпоратив Молия фани бўйича қониқарсиз баҳо олди. Шунинг учун унга Корпоратив Молия фани учун кредит берилмайди ва бу унинг GPA га салбий таъсир қилди ва унинг бироз тушишига олиб келди. Лекин у янги ўқув йили бошлангунга қадар қайта имтиҳон топшириб кредитлар миқдорини тўлдириб, GPA ни тиклаб олиш имкониятига эга. Мадинанинг GPA ни ҳисоблашни соддароқ тарзда қуйидагича амалга ошириш мумкин:

| Фанлар номи | Кредитлар миқдори | Олинган баҳолар | Кредитлар ва баҳолар кўпайтируви |
|---|---|---|---|
| Статистика | 6 кредит | 5 баҳо | 6*5 = 30 |
| Эконометрика | 6 кредит | 4 баҳо | 6*4 = 24 |
| Маркетинг | 6 кредит | 5 баҳо | 6*5 = 30 |
| Бизнесни бошқариш | 6 кредит | 4 баҳо | 6*4 = 24 |
| Рискларни бошқариш | 6 кредит | 3 баҳо | 6*3 = 18 |
| Молия сиёсати | 6 кредит | 4 баҳо | 6*4 = 24 |
| Микроиқтисодиёт | 6 кредит | 5 баҳо | 6*5 = 30 |
| Макроиқтисодиёт | 6 кредит | 4 баҳо | 6*4 = 24 |
| Корпоратив Молия | 6 кредит | 2 баҳо | 0*2 = 0 |
| Рақамли иқтисодиёт | 6 кредит | 4 баҳо | 6*4 = 24 |
| **Умумий қиймати** | **60** | | **228** |

**2-босқич** ***(кредитларни қўшиб чиқиш)***. Мадинанинг ўша давр мобайнида ўқиган ҳар бир фанга ажратилган кредитлар миқдори қўшиб чиқилади. Мадинанинг семестр давомида ўқиган фанларига ажратилган кредитлар миқдори 30 кредит (6+6+6+6+6). Шуни таъкидлаш керакки, Мадина Корпоратив Молия фанидан кредитни қўлга киритмаган бўлсада, 2-босқичдаги ҳисобда унинг кредити ҳисобга олинади. Чунки бу босқичда талаба ўша давр мобайнида ўқиган фанларга ажратилган кредитлар ҳисобланиши айтилган, талаба қўлга киритган кредитлар миқдори эмас.

**3-босқич.** Ана энди биринчи босқичда аниқланган умумий рақамни иккинчи босқичда аниқланган кредитларнинг умумий миқдорига бўламиз ва натижада Мадинанинг ўша давр учун қўлга киритган GPA аниқ бўлади:

$$228 / 60 = 3.8$$

Биз бу ерда Мадинанинг бир ўқув йили учун GPA кўрсаткичини ҳисобладик. GPA кўрсаткичи одатда ўқув йили якуни бўйича, ўқув дастури якуни бўйича чиқарилади. Амалдаги 5 баллик баҳолаш тизимидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, талаба эришиши мумкин бўлган максимал GPA 5 бўлиши мумкин. Агар талаба бир фанни икки ва ундан кўп маротаба олишига тўғри келган бўлса, GPA ни ҳисоблашда унинг энг сўнгги баҳоси ҳисобга олинади. GPA одатда фақат (бакалавр, магистратура, докторантура) даражасини олиш учун ўқиётган талабалар учун ҳисобланади. Яъни GPA ўқув даражаси бермайдиган ва ўзаро алмашлаш дастури орқали ўқиётган талабаларга нисбатан ҳисобланмайди.

Юқорида айтганимиздек талабанинг GPA кўрсаткичи унинг курсдан-курсга ўтишга лойиқлигини, стипендиялар ва ўқиш мукофотларига, унинг кейинги босқичдаги ўқишларга муносиблигини аниқлашда ва бошқа мақсадларда фойдаланилиши мумкин. Лекин GPA нинг бу мақсадлар учун минимал чегараларини белгилашга жуда эҳтиёткорлик билан ёндашиш зарур. Белгиланган чегара талабаларнинг имкониятларига мос равишда белгиланиши мақсадга





мувофиқ. GPA тизими талабаларни моддий ва бошқа жиҳатдан жазолаш механизмига айланиб қолмаслиги зарур. Эсингизда бўлсин ECTS кредит-модуль тизими бу талабага йўналтирилган таълимдир!

GPA талабанинг ҳар семестр ва ўқув йилида унинг ўша семестрда ёки йилда ўқиган фанлари баҳолари асосида ҳисобланиши мумкин. GPA яна талабанинг ўқишни битириш арафасида ўқиш давомида олган барча фанлари баҳолари асосида ҳисобланади. Талабанинг бутун ўқиши давомида олган баҳолари бўйича ҳисобланган GPA «тўпланиб борадиган» яъни «cumulative GPA» деб аталади. Шунинг учун талабанинг GPA унинг ўқиши даврида доимий равишда ўзгариб туради.

### ТАЛАБАЛАРНИ БАҲОЛАШДА ДАСТЛАБКИ ТАВСИЯЛАР

Юқорида айтиб ўтганимиздек ECTS кредит-модуль тизими ўз баҳолаш тизими ва шкаласига эга, лекин у ушбу баҳолаш шкаласи тавсиявий аҳамиятга эга. Яъни ECTS тизимини қабул қилаётган давлатлар қайси баҳолаш тизимини қабул қилиш масаласини ўзлари эркин ҳал қиладилар. Амалдаги ECTS кредит-модуль тизими қоидалари бунга эътироз билдирмайди. Лекин муаммо шундаки, мамлакатимиздаги талабаларни баҳолаш тизимининг амалдаги қоидалари бор-йўғи 3 та ижобий баҳолар мавжуд (3, 4, 5), ва бу баҳолаш тизимида ижобий баҳолар сони анча чекланганлиги туфайли улар талабаларнинг билим ва салоҳиятларидаги фарқларни етарли даражада акс эттирмайди. ECTS тизимида эса ижобий баҳолар сони 5 та, Америка баҳолаш тизимида эса 12 та баҳолаш шкаласи мавжуд.

Баҳолаш амалиётидаги бу катта фарқлар баҳолар конвертациясида ноаниқликлар ва хатолар бўлиши эҳтимолини кучайтиради. Шунинг учун мамлакатимиздаги талабаларни баҳолаш тизимини, яъни Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2018 йил 9 августдаги 19-2018-сонли буйруғи билан тасдиқланган «Олий таълим ташкилотларида талабалар билимини

назорат қилиш ва баҳолаш тизими тўғрисида»ги низомни қайта кўриб чиқишни ва унда баҳолаш шкаласи диверсификациясини кенгайтиришни тавсия этамиз.

Бундан ташқари ECTS кредит-модуль тизимига ўтган ҳар бир ОТТ университет даражасида ёки факультетлар даражасида «баҳолар тақсимоти жадвали» ни яратиб, уни мунтазам равишда янгилаб бориши ва уни талабаларни диплом иловаларида қайд этилишини таъминлаши зарур. Бу талаб ECTSнинг ОТТларда баҳолаш шаффофлигини таъминлаш бўйича энг минимал ва асосий талабларидан биридир. Баҳолар тақсимоти жадвали ҳар 3 йилда камида бир маротаба янгилаб борилади. Баҳолар тақсимоти жадвали компьютер дастури ёрдамида яратилади ва янгилаб борилади. Бунинг учун талабаларнинг баҳолари бўйича статистик маълумотларнинг бўлиши ўзи кифоя. Бундай маълумотлар ҳозирда ОТТларда мавжуд.

Ниҳоят, ОТТлар талабаларнинг GPA ларини ҳам ҳисоблаш механизмларини яратиб ушбу маълумотни уларнинг диплом иловаларида акс эттирилишини ҳам таъминлашлари зарур бўлади. GPAдан ОТТ кўп қонуний мақсадларда фойдаланиши мумкин. Лекин талаб этиладиган минимал GPA миқдорини белгилашда талабаларнинг имкониятлари ҳисобга олиниши мақсадга мувофиқ. GPA тизими талабаларни жазолаш воситасига айланиб қолмаслиги керак.

## 7. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ИМТИҲОНЛАР

ECTS кредит-модуль тизими имтиҳонлар масаласида аниқ белгилаб қўйилган қатъий қоидаларга эга эмас. Лекин ўз таълим бошқарувини ECTS кредит-модуль тизими асосида юритадиган хорижий ОТТлар имтиҳонлар қоидаларини таҳлил қилганимизда қуйидаги умумий тамойилларни кузатишимиз мумкин.

### А) ТАЛАБА СЕМЕСТР ЁКИ ЎҚУВ ЙИЛИДА ЕТАРЛИ КРЕДИТЛАРНИ ТЎПЛАЙ ОЛМАГАНЛИГИ

Юқорида таъкидлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизимида талабалар ҳар семестр ва ҳар ўқув йилида муайян миқдордаги





кредитларни жамғариб боришлари кераклиги белгиланган. Шунда ҳақли бир савол туғилади: агар талаба семестр ёки ўқув йили давомида бирор-бир фандан йиқилиб, белгиланган кредитларни жамғара олмаса, у кейинги босқичда ўқишини давом эттириши мумкинми?

Даставвал, кўпгина ривожланган давлатлар ОТТлари амалиётида агар талаба ўқув йили давомида бирор-бир фандан биринчи маротаба йиқилса, ушбу талаба фан бўйича ҳеч қандай қўшимча тўловларсиз қайта имтиҳон топшириш имкониятига эга. ***Яна бир бор таъкидлаб ўтамиз: имтиҳондан йиқилган талаба қайта имтиҳон топшириш учун қўшимча тўлов қилиши талаб этилмайди.*** Бундан ташқари дастлабки имтиҳон ва қайта имтиҳон оралиғи жуда қисқа бўлмаслиги зарур. Яъни талаба имтиҳондан йиқилгандан сўнг кейинги имтиҳонга тайёргарлик кўриш учун етарлича вақт имкониятига эга бўлиши зарур. Агар талаба қайта имтиҳондан ҳам йиқилса, ундан ўша фанни қайта олиш (ўқиш) талаб қилиниши мумкин. Яъни талаба бирор бир фандан биринчи маротаба йиқилган тақдирда ундан дарҳол ушбу фанни қайта олиш талаб этилмайди. Бундан ташқари агар талаба йиқилган фан танлов фани бўлса ҳам, талабадан ушбу фанни қайта олиш талаб этилмайди. Бунда талаба ўша фан ўрнига кейинги семестрда шунчаки бошқа қўшимча танлов фанини олиши мумкин. Лекин фан мажбурий фан бўлса талаба уни қайта олиши зарур. ОТТ фанни қайта олаётган талабадан фан учун қўшимча тўлов амалга оширишни талаб қилиши мумкин. Бунда талаба тўловни ўқув йили ёки семестр учун эмас балки айнан қайта олаётган фани ёки фанлари учунгина тўловни амалга оширади.

Кейинги масала – талабанинг айрим фанлардан йиқилганлиги туфайли семестр ёки йил учун белгиланган кредитлар миқдорини тўплай олмаслик масаласи ҳақида тўхталиб ўтсак. Бизга юқоридан маълумки ECTS кредит-модуль тизимида, талаба бир семестрда 30 кредит, бир ўқув йилида эса 60 кредит тўплаши зарур. Талаба семестр давомида ёки ўқув йили давомида айрим фанлардан имтиҳонлардан йиқилса, табиийки у етарли кредитни тўплай олмай-

ди. ECTS кредит-модуль тизимида бу масала қандай ҳал этилади? Талаба етарли семестр ёки ўқув йили бўйича етарли кредитларни жамғара олмаса бу қандай оқибатларни келтириб чиқаради?

Талаба фанлардан етарлича натижа кўрсатган-кўрсатмаганлигини одатда унинг ўқув йили давомида жамғарган кредитлари сонига қараб ёки GPA кўрсаткичига қараб аниқлаш мумкин. Бу одатда талабанинг курсдан-курсга ўтишига халал бермайди. Лекин талаба ОТТ томонидан белгиланган муайян миқдордаги минимум талабларни бажариши керак бўлади. Кўпгина Европа университетларида талабанинг бир босқичдан иккинчи босқичга ўтиш учун белгиланган 60 кредитдан камида 45–48 кредит жамғарган бўлиши зарур. Талаб этиладиган энг минимал кредитлар миқдори 45–48 тани ташкил қилади. Бунда талаба қолган кредитларни ёз давомида ёки кейинги семестр давомида йиқилган фанларидан дарс олиб кредитларни 60 етказиб олиши мумкин. Лекин талаба тўплаган кредитлар миқдори 45–48 тадан тушиб кетадиган бўлса, талаба кейинги семестрда бошқа фанлар билан бирга йиқилган фанларини олиб кредитлар миқдорини етказиб олиш қийин бўлиб қолади. Бундан талаба аввалги йил кредитларини тўлиқ тўплаб олмагунча кейинги босқичга ўтиши тўхтатиб турилиши мумкин.

Талабанинг босқичдан босқичга ўтиши масаласини унинг ўқув йили давомида жамғарган GPA га қараб ҳам белгилаш мумкин. Масалан АҚШ кредит-модуль тизимида талаба бир босқичдан иккинчисига ўтиши учун талаб этиладиган энг минимум GPA 4.3 лик тизимда 2.0 дир. Бунда талаба бир йил давомида 2–3 фан имтиҳонидан йиқилган тақдирда ҳам кейинги босқичда ўқиб тураверишини ва шу жараёнда йиқилган фанлари кредитларини кам етказиб олишини англатади. ECTS кредит-модуль тизимида бундай ҳолатда талаб этиладиган минимум GPA миқдори ўша ОТТнинг GPA ҳисоблаш механизмларига боғлиқ. Агар баҳо 2-5 лик баҳолаш тизимида талабанинг бир босқичдан кейинги босқичга ўтиш учун энг минимал GPA 2.4 атрофида бўлиши мумкин. GPA тушунчаси, унинг вазифалари ва ҳисоблаш механизми қўлланманинг 6-бўлимида келтирилган.





### B) ТАЛАБА БИР ФАННИ БИР МАРОТАБАДАН ОРТИҚ ОЛИШИ

Талаба фан бўйича имтиҳонлардан 2 маротаба йиқилган тақдирда ёки қўлга киритган ўтиш баҳосини янада кўтариш мақсадида бир фанни бир маротабадан ортиқ олишига тўғри келиши мумкин. Бунда у ушбу фан учун алоҳида тўловни амалга ошириши зарур бўлади. ОТТ фанлар бўйича ҳам тўлов суммасини ишлаб чиқади. Талаба фанни қайта олган тақдирда, ушбу фанни биринчи маротаба олаётган бошқа талабалар билан бир хил тарзда унинг барча талабларини қайтадан бажариши зарур. Яъни унга фан машғулотлари, имтиҳонлари бўйича бошқа талабалардан фарқ қилувчи ҳеч қандай афзалликлар ёки имтиёзлар берилмайди. Талаба фанни қайта олган тақдирда, ушбу талабанинг диплом иловасида ушбу фан бўйича биринчи ва кейин олган баҳолари ҳам қайд етилади. Лекин талабанинг GPA ни ҳисоблашда унинг фақат охирги олган баҳоси ҳисобга олинади. Бу қоида агар талабанинг кейин олган баҳоси олдин олган баҳосидан паст бўлган тақдирда ҳам амал қилади. Талаба бир фанни икки маротабадан ортиқ олиши мумкин, лекин бу учун одатда факультет декани рухсати талаб этилади.

### C) ИМТИҲОНЛАР ОЛДИ ТАЙЁРГАРЛИГИ ҚОИДАЛАРИ

Имтиҳонлар пайти талабалар учун ўқув йилининг энг ҳаяжонли, зўриқишли ва уйқусиз кечадиган даврларидан биридир. Улар имтиҳонлар даврга яхши ўқиш тайёргарликлари билан кириб келишни хоҳлайди. Имтиҳонлар даври яқинлашган сари талабалар ўтган мавзуларни такрорлаб олиш, ўрганган мавзуларини янада яхшироқ тушуниб олиш, ўқишларида бироз ортда қолган бўлсалар уни етказиб олиш ва шу каби имтиҳонга тайёргарлик ишларини амалга оширадилар. Шунинг учун имтиҳонлар даври бошланишидан олдинги 10 кун ёки 1 ҳафта давомида талабалар билан ҳеч қандай назорат ишлари (масалан жорий назорат), тестлар, ёзма ишлар ўтказиш тавсия этилмайди.

### D) ИМТИҲОН ЎТКАЗИШ ТАРТИБЛАРИ

Ҳар бир ўқув йили бошида ўқув йили календари ОТТ ўқув платформасида эълон қилиниши шарт. Ушбу календарда, ўқув ҳафталари, таътиллар ва имтиҳонлар ҳафтаси ва муддати олдиндан аниқ кўрсатиб ўтилади. Одатда ОТТларда имтиҳонлар семестр сўнгида амалга оширилади. Ҳар бир мавсум имтиҳонлари бошланишидан камида икки ҳафта олдин имтиҳонлар жадвали ОТТ ўқув платформасида эълон қилиниши ва ҳар бир талабанинг электрон почтасига бу ҳақида хабар юборилиши керак. Имтиҳонлар жадвали ҳар бир фан ўқитувчиси билан келишилган ҳолда ОТТ ўқув бўлими ёки регистрар офиси томонидан тузилади.

Имтиҳонлар ўқув ҳафтаси даврида ўтказилмайди, Ушбу давр мобайнида маърузалар ёки бошқа ўқув машғулотлари режалаштирилиши мумкин эмас. Имтиҳон натижалари ОТТ ўқув платформасида эълон қилинади ва талабаларга имтиҳон натижалари билан боғлиқ саволлар билан мурожаат қилишлари учун вақт берилади. Ҳар бир имтиҳон учун шу ОТТда шу фанга масъул бўлган ўқитувчи маъсул ҳисобланади ва имтиҳон учун тузилган саволларнинг тўғрилиги ва сифатига жавобгар ҳисобланади. Имтиҳон олиш тартиби, саволлар шакли, имтиҳон учун ажратилган вақт, баҳолаш мезонлари масъул ўқитувчи томонидан ОТТ ўқув қоидалари доирасида белгиланади. Имтиҳонларни ўтказишда уқитувчилардан ташқари назоратчи (invigilator) лар ҳам жалб қилиниши мумкин. Назоратчилар кафедра ходимлари ва ОТТда таҳсил олаётган докторантлардан олиниши мумкин. Имтиҳонлардан сўнг талабаларга камида 2 ҳафта янги семестрга тайёргарлир кўриш учун таътил берилади.

## 8. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ТАЛАБАЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ – «REGISTRAR OFFICE»

Ҳозирда аксарият маҳаллий ОТТларда таълим жараёнини ташкил этиш ва талабаларнинг мурожаатлари билан ишлаш масалалари ОТТнинг бир нечта ички тузилмалар томонидан алоҳида амалга оширилади. Масалан талабага ўқишдан маълумотнома керак бўлса, у одатда деканат эшигини тақиллатади. Ўқув шартнома тўлови масаласи бўйича саволлар бўйича эса одатда ОТТнинг маркетинг ёки молия бўлимига югуради. Диплом иловаси нусхаси ёки дипломини олиш учун эса кадрлар бўлими ёки яна деканат эшиги олдида сарғайиб туришига тўғри келиши мумкин.





Талаба бирор бир имтиҳондан қолиб кетган бўлса қайта имтиҳон учун у яна деканат ёки ўқув бўлими эшигига боради. Бунда талабанинг мурожаатини қай даражада кўриб чиқилиши ўша бўлимлардаги масъул ҳодимнинг вақтига ва баъзида эса унинг кайфиятига ёки танишлигига боғлиқ. Университетнинг талабалар билан муносабатларини бу тарзда ташкил этилганлиги кўп ҳолатларда сарсонгарлик ва коррупцияга ҳам йўл очади. Ўз ишини вақтида битишини хоҳлаган талаба тегишли бўлимга ҳеч бўлмаса битта «плитка шоколад» билан кириши бу йиллар давомида шаклланган анъана десак хато бўлмайди. Аслида бундай хизматларнинг барчаси талабаларга тезкор тарзда, ҳеч қандай миннатсиз ва таниш-билишсиз амалга оширилиши керак бўлган ҳизмат турларидир.

Кредит-модуль тизимига ўтиш эса вазиятни янада мураккаблаштиради. Бошқача айтганда, таълимнинг кредит-модуль тизимини регистрар офиссиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эндиликда талаба ҳар ўқув йили ва семестр бошида ўз ўқув дастурини шакллантиради. Талабалар танлов фанларига рўйхатдан ўтиши ёки уларни ўзгартиришни асосан онлайн тарзда амалга оширса-да, онлайн маълумотларни қайд этиш, уларни мувофиқлаштириб турувчи тузилмага эҳтиёж туғилади. Бундан ташқари талаба муайян фан бўйича имтиҳондан йиқилиб, имтиҳонни қайта топшириши ёки фанни қайта ўқишига тўғри келса, бундан мурожаатлар кимга, қай тарзда берилади деган саволлар туғилади. Ва ниҳоят талаба муайян фандан олган баҳосидан норози бўлиб аппеляция ҳуқуқини амалга оширмоқчи бўлса бундан мурожаатларни қабул қилиш ва қайд этиш ва йўналтирувчи тузилмага зарурат туғилади. Буларнинг барчаси маълум маънода марказлашган маълумотлар базасига эга бўлиш ва уларни бошқаришни тақозо этади.

Ривожланган давлатлар университатлари амалиётида бу каби хизматларнинг аксарияти «Registrar office» томонидан амалга




оширилади. «Registrar office» университетдаги ўзига хос бўлинма ҳисобланиб у университет талабаларни ўқишга қабул қилинган кунларидан бошлаб токи улар ўқишни битиргунга қадар уларга ўқиш жараёни билан боғлиқ барча маъмурий масалаларда тўғридан-тўғри хизмат кўрсатувчи марказлашган маъмурий тузилмадир. Айрим олий таълим ташкилотларида ушбу тузилмани яна «талабалар хизмати» (Student services), «талабалар хизмати нуқтаси» (student service point) деб ҳам аташади.[1]

Регистрар офисни бошқача қилиб айтганда олий таълим ташкилотининг «ягона дарчаси» дейиш мумкин. Ҳозирги кунда мамлакатимиз ҳукумати томонидан аҳоли билан ишлашда ягона дарча амалиёти қанча қулайлик ва ижобий натижалар олиб келган бўлса, ОТТларда ҳам регистрар офисни ташкил этилишидан ҳам шундай натижалар кутиш мумкин. Яъни регистрар офис, ОТТнинг асосий хизматларини талабаларга бир жойдан туриб тезкор, самарали ва шаффоф тарзда амалга ошириш имкониятини яратади.

Регистрар офис орқали талабаларга қуйидаги хизматлар амалга оширилади:

[1] «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизими талабаларга хизмат кўрсатишда қандай қулайликларни яратадиг ёхуд «регистратор офис» имкониятлари 2020 йил 27 октябрь, № 226 (7728).





- Бўлғуси талабалар ва уларнинг яқинларига ОТТдаги дастурлар ҳақида маълумот бериш (Orientations);
- Ўқишга қабул қилинган талабаларни қайд этиш (Enrollments);
- Ўқув дастуридаги ўқув йили ёки семестр фанларига рўйхатдан ўтказиш (Course registrations);
- Талабаларнинг фанлар бўйича баҳо ва кредитларини қайд қилиш ва ўтказиш (Grade registration);
- Талабаларга ўқиш жойидан маълумотномалар бериш (Confirmation letters);
- Талабаларга битирув дипломи ва диплом иловаларини тақдим этиш (Transcripts and Diplomas);
- Талабалар учун стипендия ва молиявий ёрдам кўрсатиш (Processing financial aid applications);
- Талабаларнинг ўқиш шартнома тўловларини қабул қилади (Processing tuition fee payments);
- Университет академик календарини ишлаб чиқишни мувофиқлаштириш (development of academic calendars);
- Университет дастур каталогларини ишлаб чиқиш жараёнини мувофиқлаштириш (overseeing course catalogue development);
- Талабалар ва ўқув дастурлари бўйича стастистик маълумотларни юритиш ва шаффоф тарзда чоп этиш.[1]

Хуллас, регистрар офисга талабалар юқорида белгиланган барча масалалар бўйича мурожаат қилади. Кўриб турганигиздек, регистрар офис тизими мавжуд ОТТларда талабалар университет раҳбарияти ёки факультет деканини қабулига ҳар хил маъмурий саволлар билан мурожаат қилишларига ҳожат қолмайди. Деканат ҳам ўзининг энг муҳим вазифалари билан шуғулланишга имконияти бўлади. Бу тизимда талаба ҳам университетда ўз ўқиши билан

[1] «Народное слово». Время на учебу, а не волокиту, связанную с административными проблемами. 22 октября 2020 года, № 122 (7693)

боғлиқ масалаларда асосан дарс аудиториялари, кутубхона ва регистрар офисдан бошқа жойга мурожаат қилишга эҳтиёж қолмайди. Улар деканат, маркетинг бўлими ёки бошқа бўлимларнинг эшиги ёнида кутиб вақт ва асабларини увол қилмайдилар. Ҳозирда эса биргина деканат мисолида оладиган бўлсак айнан талабалар билан ишлаш учун маъсул ходимларнинг ажратилмаганлиги, бу каби мурожаатларни одатда деканатда фаолият юритаётган котибалар бўш вақтларида амалга оширадилар. Бу тизим яна ОТТда майда коррупция элеметларини шаклланишига ҳам сабаб бўлади.

Регистрар офис АҚШ, Канада ва Европанинг деярли барча университет, коллеж ва баъзи ҳолатларда эса мактабларида ҳам ташкил этилган. Америка ва Англия ОТТларида бу бўлим даставвал талабалар баҳоларини ягона жойда сақлаш ва уни тартибга солиш мақсадида очилган бўлса, кейинчалик унинг вазифалари кенгайтирилган.

Регистрар офиси жойлашуви қулай, бир пайтни ўзида бир нечта талабаларга хизмат кўрсата оладиган шароитларга эга бўлган бинода ажратилган бўлиши керак. Бундан ташқари унда электрон тизим интеграциялашуви жуда яхши йўлга қўйилган бўлиши керак. Чунки талабалар мурожаатлари асосан электрон тарзда ҳал этилади.

Бундан ташқари кўпгина ОТТларида ҳалигача талабалар баҳоларини рейтинг дафтарчаси ёки рус тилида «зачётка» да қайд этиб бориш тизими мавжуд. Аслида талаба ўзи онлайн режимда ўз академик карьерасини кузатиб борадиган ягона электрон база бўлиши зарур. Европа, Америка ва Осиёнинг кўплаб ривожланган мамлакатларида бу ишлар ягона марказлашган бўлим томонидан амалга оширилади. Яхши университет деганда ўзининг кучли профессор ўқитувчилари билан бирга таълимни тўғри йўлга қўйиш, талабаларга яратилган қулайликлар ҳам назарда тутилади.

Регистрар офиснинг вазифаларини қуйида янада батафсил ёритадиган бўлса улар қуйидагича:

- **Student Enrollment** – Кириш имтиҳонлари натижасига кўра талабаликка тавсия қилинган абитуриентларни ҳужжатларини қабул қилиш, тўлов-шартнома қоғозини бериш, уларни гуруҳларга ажратиш ва улар ҳақида тўлиқ маълумотлар базасини шакллантириш.





- **Student registration** – Янги қабул қилинган талабаларни университет ўқув портали(moodle)га киритиш ва уларга ID рақам, ID карта, талабалик гувоҳномаси бериш.
- **Course registration** – Университет ўқув порталида ўқитувчи ва талабаларнинг ўзаро мулоқот ойнасини шакллантириш. Бунда ҳар бир талабага ўзи танлаган фанлар номи ва ўқитувчиси ҳақида маълумот берилади ва ҳар бир фан ўқитувчиси ўзи дарс ўтадиган фанга ёзилган талабалар ҳақида маълумотга эга бўлади. Регистрар офиснинг вазифаси шу маълумотларни ҳар бир ўқув йили бошида янгилаб боришдан иборат.
- **Transfer and restarting** – Ўқишни кўчириш ва қайта тиклаш билан боғлиқ ишларни амалга ошириш.
- **Timetable** – Барча талабалар учун дарс жадвалини тузиб чиқиш ва ўқув портали орқали ўқитувчи ва талабаларга етказиш.
- **Exam timetable** – Имтиҳонлар жадвалини тузиш ва эълон қилиш.
- **Exam registration** – Талабаларнинг имтиҳонларга олдиндан рўйхатдан ўтишини таъминлаш ва бу билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш.
- **Academic records registration** – талабаларнинг баҳо ва рейтинги умумий маълумотлар базасини шакллантириш.
- **Timetable** – Барча талабалар учун дарс жадвалини тузиб чиқиш ва ўқув портали орқали ўқитувчи ва талабаларга етказиш.
- **Reference letters** – Талабаларга турли хил маълумотномалар бериш(ўзбек, инглиз, рус тилларида).
- **Tuition fee** – Тўлов шартнома пулини амалга ошириш учун зарур бўладиган ҳужжатлар бериш;
- **Dormitory** – ТТЖ га жойлашиш билан боғлиқ масалалар;
- **Other issues** – Бошқа масалаларда талабаларга ёрдам бериш;
- **Халқаро ишлар**;
- **Incoming students** – Университетга таҳсил олиш учун келган чел эллик талабалар билан ишлаш (виза, рўйхатга олиш, дарс-

- ларда иштирок этиш билан боғлиқ ҳар қандай масалаларда ёрдам бериш).
- **Outgoing students** – хорижий ОТТда таҳсил олиш учун кетадиган талабалар билан ишлаш.

Қисқача қилиб айтадиган бўлсак, ОТТларда регистрар офисни ташкил этилиши университет таълим жараёнини маъмурий бошқариш тизимини янада шаффофлашувига, талабалар мурожаатларини тезкор ва сифатли кўриб чиқилишига ҳизмат қилади. Токи талабанинг ОТТга киришдан асосий мақсади бу билим олиш. Шундай экан, унинг вақти маъмурий муаммолар билан боғлиқ оворагарчиликларга сарф бўлмаслиги керак.

## 9. КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИГА ЎТИШГА ТААЛЛУҚЛИ АЙРИМ МАСАЛАЛАР

ОТТларнинг кредит-модуль тизимига ўтиши олий таълим соҳасида бир қанча муҳим масалалар ҳақида ҳам бош қотиришни талаб этади. Булардан энг асосийлари: а) ОТТлар академик эркинлиги, б) профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ҳисоблаш масалаларидир. Бу масалалар чуқур таҳлилларга муҳтожлиги туфайли уларни ушбу материалда тўлиқ муҳокама қилишнинг имконияти йўқ. Шунинг учун ҳозирча қуйида бу мавзуларга доир назаримизда энг муҳим бўлган саволларни ўртага ташлаш билан чекланамиз.

### А) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ОТТЛАР АКАДЕМИК ЭРКИНЛИГИ

Юқорида тасвирлаганимиздек, ECTS кредит-модуль тизими ОТТ ўқув дастурлари ва ўқув режаларини ишлаб чиқиш тизими ва тартибини қайтадан кўриб чиқишни тақозо этади. ОТТлар эндиликда ўз ўқув дастурлари ва ўқув режаларини меҳнат бозори талаблари, иш берувчилар эҳтиёжлари ва талабалар қизиқишларига мос равишда ишлаб чиқишига тўғри келади. Бу дегани ҳар бир ОТТ ўз ўқув дастурларини, ўқув режаларини ўзлари мустақил ишлаб чиқишларига тўғри келади.





Кредит-модуль тизими яна ОТТлар ўртасида ҳақиқий рақобат муҳити шаклланишини тақозо этади. Рақобат муҳити қачон шаклланади? Қачонки ОТТлари ўз ўқув дастурлари таркиби ва уларнинг сифати нуқтаи назаридан бошқа шу каби дастурлардан афзаллигини кўрсата олса. Лекин ОТТлар ушбу вазифаларнинг ҳеч қайси бирини эркинликсиз амалга ошира олмайдилар. ***Шундай экан ОТТлар академик эркинлиги бу кредит-модуль тизимига ўтишнинг, умумий олганда олий таълим тизимини ривожланишининг энг зарур шартларидан биридир.***

Амалда ОТТлар ҳатто дарсни қандай ташкил қилиш масаласини ҳам ўзлари белгилаш ҳуқуқига эга эмас десак тўғри бўлади. Масалан Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирининг 2018 йил 10-сентябрдаги 20-2018-сонли буйруғи 2-боб, 8-бандида ОТТда маъруза машғулотлари одатда илмий унвон ва илмий даражага эга бўлган профессор-ўқитувчилар томонидан ўтказилиши кераклиги белгиланган. ОТТда дарсларни қатъий равишда икки турга яъни маъруза ва семинар дарсларига бўлиб, уларнинг ҳар бирини айнан кимлар томонидан ўтилиши кераклигигача вазирлик томонидан белгилаб қўйилиши қай даражада тўғри? Бир фан бўйича маърузаларни бир даражадаги ўқитувчи, семинарларни эса бошқа даражадаги ўқитувчилар ўтиши амалиёти яна қайси давлатлар тажрибасида мавжуд? Биз бу амалиётни ўзимиз билган ривожланган давлатларнинг ҳеч бирида кузатмадик. Дарсларни ташкил этиш услублари фақат маъруза ва семинардан иборатми? Нима учун ОТТлар дарсларни ташкил қилиш каби оддий масалаларни ҳам ўзлари ҳал қилиш ҳуқуқига эга эмас? ОТТлар устидан бу даражадаги назорат ва чекловлар ва ишончсизликлар нима учун керак? Энг муҳими, бу амалиёт ўз самарасини бераяптими? Афсуски натижаларга қараб туриб бу саволга «ҳа» жавоби бера олмаймиз.

Қисқача айтганда ҳозирда ОТТлар том маънодаги кредит-модуль тизими тамойиллари асосида фаолият юритиш даражасида академик эркинликка эгами? Хусусан улар ўз ўқув дастурларини, ўқув режаларини ташқи аралашувларсиз фақат мутахассислик квалификация талаблари, меҳнат бозори эҳтиёжлари ва талабалар

қизиқишлари асосида ишлаб чиқиш ҳуқуқга эгами? Бу масалада тегишли қонунларда, қонуности ҳужжатларида ОТТлар академик фаолиятига қандай чекловлар мавжуд? Хусусан, бир ОТТ ўқув дастурини бошқа (таянч) ОТТлар тайёрлаб бериши белгилаб қўйилган бир шароитда улар ўртасида рақобат муҳити қандай шаклланиши мумкин? Агар ОТТ бошқа бир ОТТ тайёрлаб берган таянч ўқув дастур ва режаларини ўқитишга техник салоҳияти етади деб топилган бўлса, унда нима учун худди шундай дастурни ўзи ишлаб чиқишга техник салоҳияти етмаслиги мумкин?

Ҳозирда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва ОТТларни назорат қиладиган бошқа давлат ташкилотлари кредит-модуль тизимида ОТТлар академик эркинлигини қандай тушунишади? Умуман олганда кредит-модуль тизимида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва таълимни назорат қилиш ташкилотлари ваколат ва вазифалари нималардан иборат бўлиши керак? Бу бўйича ўз ОТТлари жаҳон рейтингларида юқори ўринни эгаллаган давлатлар тажрибаси қандай? ОТТларга эркинлик бермасдан туриб, улардан «қанотлари боғланган ҳолда баландроқ парвоз қилишни» талаб қилиш қай даражада тўғри?

Ва ниҳоят ОТТларнинг ўзлари академик эркинлик деганда нималарни тушунишади? Ҳозирда ОТТлар кредит-модуль тизимга ўтиш жараёнида оз бўлсада, қўлга киритган академик эркинликларига қай даражада масъулият билан ёндашмоқда? Улар томонидан тайёрланаётган янги ўқув дастурлари ва ўқув режалари ҳақиқатда ҳам мутахассислик талаблари, меҳнат бозори эҳтиёжлари, талабалар қизиқишларига мос келадими? Қисқача айтганда кредит-модуль тизимига ўтаётган ОТТлар фақат академик эркинлик афзалликларини эмас, балки унинг масъулиятини ҳам ҳис қилмоқдами?

Афсуски, очиқ жуда саволлар кўп. Уларнинг жавоблари эса чуқур ва ҳар томонлама таҳлилларни талаб этади. Шунинг учун биз кредит-модуль тизимида ОТТлар академик эркинлигидек салмоқли ва муҳим мавзуни таҳлилини кейинги лойиҳаларимиздан бири сифатида қолдиришга қарор қилдик.





### В) КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИДА ПРОФЕССОР ВА ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ ЎҚУВ ЮКЛАМАЛАРИ

Таълим олиш ва таълим бериш бир-бири билан чамбарчас боғлиқ жараёнлардир. Унинг бир томонида талабалар турса, иккинчи томонида ўқитувчилар туради. Таълим ташкилоти уларни бирлаштириб турувчи, жараённи ташкилий, техник ва молиявий жиҳатдан таъминлаб турувчи восита холос. Шундай экан, таълим жараёнини асосий иштирокчилари бу талабалар ва ўқитувчилардир. Кредит-модуль тизимида талабаларнинг ўқиш юкламаси улар жамғариб борадиган кредитлар бирлиги билан ўлчанади.

***Шундай экан, нега энди ўша талабаларга таълим бераётган шахсларнинг яъни ўқитувчиларнинг ўқув юкламалари ҳам кредитларда ўлчанмаслиги керак? Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини ҳам кредитларда ўлчаш амалиётини жорий этишга нима халал бериши мумкин?*** Профессор-ўқитувчиларнинг ўқув юкламаларини кредитларда ўлчаш бу борада амалдаги тизимни анча соддалашувига ҳам хизмат қилиши мумкин. Бу амалиёт АҚШ тажрибасида ўз исботини топган, у Қозоғистон университетлари амалиётида ҳам жорий этилмоқда.

Лекин, назаримизда маҳаллий ОТТлар кредит-модуль тизимига босқичма-босқич ўтаётганлиги бу мавзуга эҳтиёткорлик билан ёндашишни тақозо қилади. Чунки 2020–2021 ўқув йилида кредит-модуль тизими унга ўтаётган ОТТларнинг фақат 1-курс талабаларига нисбатан амал қилади. Шундай экан кредит-модуль тизимига ўтаётган ОТТларнинг 2, 3 ва 4-курс талабалари амалдаги тизим бўйича ўқишларини давом эттиришларига тўғри келади. Бу дегани 2020-2021 ўқув йилида тегишли маҳаллий ОТТлар таълим тизими камида икки стандарт асосида ташкил этилади.

Бу жараёнда ушбу ОТТлар ўқитувчилари 1-курс талабаларига ҳам, юқори курс талабаларига ҳам дарс ўтаётган бўлиши мумкин. Бу ҳолатда ушбу ўқитувчиларнинг 1-курсларга ўтаётган дарслари бўйича юкламани кредитларда, юқори курсларда ўтадиган дарслари бўйича юкламаларини эса амалдаги тизим бўйича соатларда ҳисоблаш айрим чалкашликларга сабаб бўлиши мумкин. Яъни бир

ўқитувчининг умумий ўқув юкламасини икки стандартда ўлчаш айрим салбий оқибатларга сабаб бўлиши мумкин.

Бундан ташқари 2020–2021 ўқув йилида кредит-модуль тизимига мамлакатдаги маҳаллий ОТТларнинг тахминан 1/3 қисмигина ўтиши режалаштирилган. Бунда маҳаллий ОТТларнинг тахминан 2/3 қисми бу тизимга келгуси йилларда ўтишлари режалаштирилган. Бу жараёнда ушбу икки гуруҳдаги ОТТлар ўқитувчилари ўқув юкламалари 2 хил стандартда ўлчаниши ҳам бу ОТТлар ва уларнинг ўқитувчилари ўртасида тенгсизликларга сабаб бўлиши мумкин. Шунинг учун кредит-модуль тизимида профессор-ўқитувчиларнинг иш юкламалари мавзуси ҳам чуқурроқ таҳлилларни талаб этади ва бу мавзуни ҳам келажакдаги лойиҳаларимизнинг бири сифатида қолдиришга қарор қилдик.

Лекин бир нарса аниқ: профессор-ўқитувчиларнинг иш юкламаларини белгиловчи амалдаги тартиб (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 20-2018-сонли буйруғи) ОТТларда таълим сифати яхшиланишига, ОТТ илмий салоҳияти кўтарилишига ва ўқитувчилар ўз устларида етарлича ишлашга хизмат қилмайди. Аксинча, ушбу қоидаларни ўқиб туриб мазкур тартиб ОТТларда таълим сифати ҳали ҳам паст ҳолатда қолаётганлигига, ОТТлар илмий тадқиқот кўрсаткичлари пастлигига асосий сабаблардан бири сифатида тахмин қилишимиз мумкин. Шунинг учун бу тартиб имкон қадар тезроқ қайта кўриб чиқилишини тавсия қиламиз.

## 10. ХУЛОСА

Хулоса ўрнида шуни айтишимиз мумкинки, мамлакатимиз ОТТларида кредит-модуль тизимига ўтилиши бу муайян миқдордаги кредитларни йил, семестр ва фанлар бўйича тақсимлаб қўйишнинг ўзидан иборат эмас. Афсуски, ҳозирда айрим ОТТлар кредит-модуль тизимига ўтишни шундай тушунишмоқда.

Юқорида таъкидлаганимиздек кредит-модуль тизимига ўтиш ОТТлар ўқув дастурларини яратишдан бошлаб, ўқитувчиларнинг ўз дарсларини ташкил қилиши бўйича янгича ёндашувларни талаб





қилади. Агар кредит-модуль тизими тўғри ва тўлиқлигича жорий этилса, у мамлакатимиз олий таълим тизимига жуда катта ижобий хусусиятларни олиб кириши мумкин. Жумладан, у мамлакатимиз олий таълим тизимига таълимнинг жаҳон тан олган мукаммал ўлчов бирлигининг олиб кирилиши, ОТТлар ўқув дастурларида мувозанат ва меъёр пайдо бўлиши, ОТТларда ўқиш жараёнининг шаффоф тарзда ташкил этилиши, ўқув дастурлари иқтисодиёт, меҳнат бозори ва талабалар эҳтиёжлари асосида шаклланиши, дарсларнинг сифати яхшиланиши ва ниҳоят ҳар бир талаба, маълум маънода ўзининг мустақил ўқув дастурига эга бўлишига хизмат қилади.

Агар маҳаллий ОТТлар кредит-модуль тизимига ўтсалар-да, лекин юқоридаги мақсадларга эриша олмасалар ёки эришишга ҳаракат қилмасалар, унда ОТТлар кредит-модуль тизимига том маънода ўтган ҳисобланмайдилар.

## 11. ТАВСИЯЛАР

### ДАВЛАТ МУТАСАДДИ ТАШКИЛОТЛАРИГА:

**1)** Мамлакатда ECTS ва шу каби бошқа кредит-модуль тизими асосида фаолият юритаётган ОТТларда талаба олий таълимнинг ҳар бир босқичини (бакалавриат, магистратура) қўлга киритиш учун жамғариши зарур бўлган кредитлар сонини қонун ёки қонуности ҳужжатлари билан белгилаб қўйилиши тавсия этилади. Бу тартиб тобора эркинлашиб бораётган мамлакат олий таълим соҳасида турли суиистеъмолчиликни (қисқа муддатли бакалавриат, магистратура дастурлари пайдо бўлишини) олдини олишга хизмат қилади.

**2)** Ҳар бир ECTS кредитига бириктирилган ўқиш юкламаси соатлари доирасини қонун ёки қонуности ҳужжатлари билан белгилаб қўйиш тавсия этилади. ECTS тамойилларига кўра, бу доира 25–30 соатни ташкил этади.

**3)** Ҳар бир ОТТ ўзининг кредит-модуль тизими амалиётига оид қоидаларни қабул қилиши ва уларни шаффоф тарзда ОТТ ўқитувчиларига, талабаларига ва бошқа манфаатдор томонларга

етказилиши зарурлиги қонун ёки қонуности ҳужжатлари билан белгилаб қўйиш тавсия этилади.

**4)** ОТТларда қўлланиладиган амалдаги баҳолаш тизими, мезонлари ва шкаласини ислоҳ қилиш ва уларни жаҳондаги энг илғор баҳолаш тизимларига яқинлаштириш тавсия этилади. Амалдаги баҳолаш тизимида ижобий баҳолар сони анча чекланганлиги туфайли баҳолар талабаларнинг билим ва салоҳиятларидаги фарқларни етарли даражада акс эттирмайди. Масалан амалдаги баҳолаш шкаласида бор йўғи 3 та ижобий баҳолар мавжуд (3, 4, 5), ECTS тизимида эса 5 та, Америка баҳолаш тизимида эса 12 та ижобий баҳолар мавжуд. Баҳолаш амалиётидаги бу катта фарқлар баҳолар конвертациясида ноаниқликлар ва хатолар бўлиши эҳтимолини кучайтиради.

**5)** Кредит-модуль тизимига ўтиш муносабати билан амалдаги қонун, қонуности ҳужжатлари, Олий таълим Вазирлиги қарор ва низомларни қайта кўриб чиқилиши ва уларга тегишли ўзгартишлар киритилиши тавсия этилади.

**ОТТЛАРГА ТАВСИЯЛАР:**

**6)** Кредит-модуль тизимида фаолият юритаётган ҳар бир ОТТ ўзининг ҳар бир ўқув дастурининг (бакалавриат, магистратура) ўқиш натижаларини белгилаб олиши, дастур каталогини ишлаб чиқиш ва уларни ҳар ўқув йили бошида ўз веб саҳифасига шаффоф тарзда жойлаштириш тавсия этилади. Зеро ECTS кредит- модуль тизимида бу материалларни тайёрлашдан кўзланган асосий мақсад бу уларни талабалар эътиборига ҳавола этишдир.

**7)** ОТТ ўз ўқув дастурини, унинг ўқиш натижаларини ишлаб чиқишда биз талабаларга нималарни ўргатишни хоҳлаймиз деган нуқтаи назар билан эмас, балки талабалар биздан нималарни ўрганишни хоҳлайди ва улар ўз мутахассисликларига муносиб кадр бўлиб етишишлари учун нималарни билиши ва қила олиши керак деган нуқтаи назар билан ёндашиш тавсия этилади. Яъни ОТТлар ўз олдиларига «биз талабаларга нима беришни хоҳлаймиз ва нима бердик» эмас, балки «талабалар биздан нима олишни хоҳлайди ва нима олди» деган саволларни қўйишлари керак. Чунки ОТТлар





талабага берган нарса талабалар хоҳлаган, уларга керакли нарса бўлмаслиги мумкин.

**8)** Ҳар бир ОТТ кредит-модуль тизимининг энг асосий жиҳатларини қамраб олувчи ички қоидаларини ишлаб чиқиши ва уларни ўз веб саҳифаларига жойлаштириши тавсия этилади. Кредит-модуль тизими қоидалари қуйидаги асосий масалаларни қамраб олиши мақсадга мувофиқ: (а) ҳар бир кредит учун бириктирилган ўқиш юкламаси соатлари миқдори; (б) ундаги аудитория ва мустақил соатлар нисбати; (с) ҳар бир модулга тақсимланиши мумкин бўлган минимал кредитлар миқдори; (д) талаба курсдан-курсга ўтиш учун зарур бўлган минимал кредитлар миқдори; (е) талаба қайси ҳолларда фанни қайта олиши кераклиги тўғрисидаги қоидалар; (ж) талаба ўқишни тугатиши зарур бўлган максимал вақт; (з) ҳар бир ўқув дастури бўйича ҳар бир курсда олиниши зарур бўлган мажбурий фанлар рўйхати.

**9)** Ҳар бир фан бўйича фан дастури «силлабус» тайёрлаш ва унинг энг зарур қисмлари ҳақида белгилаб қўйиш. Фан дастурларини талабага кечи билан ўқиш бошлангандан сўнг 1 ҳафта ичида тақдим этилишини ОТТ ички қоидаларида белгилаб қуйиш тавсия этилади.

**10)** Ҳар бир ОТТ ўз ўқув дастуридаги фан ва модулларни тегишли маълумотларни ўзида қамраб олган тарзда кодлаш қоидаларини ишлаб чиқиш ва шулар асосида фанларни тегишли тартибда кодлаштириш тавсия этилади.

**11)** Ҳар бир ОТТ кредит-модуль тизимини (талабалар регистрацияси, баҳоларни қайд этиш ва юбориш, тегишли маълумотларни сақлаш) бошқарувчи онлайн платформасига эга бўлиши.

**12)** Ўқув дастурида, айниқса юқори курсларда, танлов фанлари доирасини кенгайтириш. Танлов фанлари касбий соҳасига оид, махсус билим ва кўникмани шакллантиришга йўналтирувчи фанлар бўлиши зарур.

**13)** Талабаларга ўз ўқув дастурларини шакллантиришда маслаҳатлар берувчи академик маслаҳатчи лавозимини ташкил этиш.

**14)** Янги қабул қилинган талабалар ва ўқитувчилар учун кредит-модуль тизими ишлаш механизми ва талаблари бўйича тренинглар ўтказиш.

**ОТТЛАР ЎҚИТУВЧИЛАРИГА ТАВСИЯЛАР:**

**15)** Ўқитувчилар ўзлари ўқитаётган ҳар бир фаннинг ўқиш натижаларини олдиндан белгилаб олишлари ва уларни семестр бошида талабаларга тушунтиришлари тавсия этилади. Бунда асосий эътибор талаба фан сўнгида унинг натижаси ўлароқ мутахассис сифатида нималарни билади, тушунади ва қила олади деган саволга қаратилади. Фаннинг ўқиш юкламалари талабалар айнан шу ўқиш натижаларига эришишга қаратилади. Фаннинг баҳолаш услуб ва мезонлари эса талабалар айнан шу ўқиш натижаларига эришган-эришмаганлигини текширишга қаратилади.

**16)** Таълим беришнинг фаол (лойиҳаларга асосланган таълим, муаммони таҳлил қилиш, муаммога танқидий ёндашув, танқид қилиш, мунозарага кириш, жамоада ишлаш, тақдимот қилиш) усулларидан кўпроқ фойдаланиш тавсия этилади. Ёдингизда бўлсин маъруза билим олишнинг энг қадимий, энг нофаол, талабаларнинг ёдидан тез кўтариладиган усулларидан биридир. Зеро ECTS кредит-модуль тизимнинг асосий мақсадларидан бири талаба фан сўнгида унда қўлга киритган билим ва нималар асосида нималарнидир қила олишига эришиш. Бу мақсадга асосан таълим беришнинг фақат фаол усуллари билан эришиш мумкин. Умумий қилиб айтганда, дарс ва имтиҳонлар талабаларнинг хотирасини ривожлантиришга ёки текширишга эмас, балки уларда соҳага оид билим, кўникма ва маҳоратларни шакллантиришга қаратилиши тавсия этилади.

## 12. ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси», 1-иловаси, 9-банди.

2. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг 2020 йил 30 июндаги 357-сонли буйруғи, 1-илова.

3. 2015 European Credit Transfer and Accumulation System (ECTS) User's Guide, a Joint Project by the European Higher Education Area, the Bologna Process and European Commission in 2015. Европа Кредитларни Кўчириш ва Жамғариб Бориш Тизими бўйича Фойдаланувчига Қўлланма (ECTS). Бу қўлланма ECTS кредит-модуль.

4. European Commission ECTS Guide of 2004. Available at https://www.uc.pt/ge3s/pasta_docs/ects-users-guide170804.pdf

5. European Cuommission ECTS Guide of 2009. Available at https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/year-2009/ects-users-guide-2009_en.pdf

6. European Commission ECTS Guide of 2015. Available at https://ec.europa.eu/education/ects/users-guide/docs/ects-users-guide_en.pdf

7. Robert Wagenaar, A History of ECTS, 1989-2019. Developing a World Standard for Credit Transfer and Accumulation in Higher Education. International Tuning Academy, 2020. Available at https://www.rug.nl/research/portal/files/111591811/A_History_of_ECTS_1989_2019_PDF.pdf

8. Jessica Shedd (2003), «The History of the Student Credit Hour». New Directions for Higher Education. 122 (Summer) (122): 5–12.

9. Resolution of The Council and of the Ministers of Education, Meeting within the Council, Official Journal of the European Communities, 1976.

10. «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизимига ўтиш нима учун керак? 2020 йил 5 август, № 163 (7665).

11. «Народное слово». Время на учебу, а не волокиту, связанную с административными проблемами. 22 октября 2020 года, № 122 (7693)

12. «Правда Востока». Кадры решают всё: новые подходы в системе образования. 16 октября 2020 года, № 216 (29446).

13. «Халқ сўзи» газетаси. Кредит-модуль тизими талабаларга хизмат кўрсатишда қандай қулайликларни яратади ёхуд «регистратор офис» имкониятлари 2020 йил 27 октябрь, № 226 (7728).

В.ЎРИНОВ, М.СУЛТОНОВ, А.УМАРОВ

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ECTS КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ:

## АСОСИЙ ТУШУНЧА ВА ҚОИДАЛАР

*Тошкент — «Маънавият» — 2020*

Муҳаррир *С. Холбеков*
Мусаҳҳиҳ *Ҳ. Аҳмедова*
Мусаввир *С. Шуҳрат*
Компьютерда тайёрловчи *Ш. Соҳибов*

Лицензия AI №189, 10.05.2011 йилда берилган.
Босишга 18.04.2019 йилда рухсат этилди. Бичими 60x84 $^{1}/_{16}$. Таймс гарнитураси.
Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 6,0. Нашр т. 5,2.
300 нусха. Буюртма № 20-66. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома № 26-20.